



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: uzas@b2c.uz

2012-yil 26-oktabr • №43 (4182)

ИЖОДКОР ЁШЛАР АНЖУМАНИ



Сардор Муллажонов олдиган сурат.

21-24 октябр кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод уйида ёш ижодкорларнинг III Республика «Истеъдод мактаби» семинари бўлиб ўтди.

Мухбиримиз Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Икбол МИРЗОГА анжуман кун тартибидagi тадбирлар хусусида саволлар билан мурожаат қилди.

— Устозларнинг «Истеъдод ҳам ўз мевасини ёшликда тугади» деган ибораси бор. Айни шу кунларда «Дўрмон» ижод уйида бўлиб ўтган мамлакат ёш ижодкорларининг семинари ва бу ижодий тадбирлардан кўзланган мақсад ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, ёшлик ва шеърят сара ташбеҳли шеър каби уйқашди. Айнан шеърятта, адабиётга гуриллаб кириб келаётган ёшларимизнинг бугунгидек адабиёт байрамларида дадил иштирок этаётганлари кишини қувонтиради. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ юртимизда адабиётга, умуман, маънавиятга берилётган эътибор миллатимизнинг асрлар мобайнида йиғилган улкан маданий меросини бойитишга қаратилган.

Ёш ижодкорларнинг навбатдаги «Истеъдод мактаби» семинари Ўзбекистон Миллий боғида Алишер Навоий бобоимиз ҳайкали пойига гул қўйиш билан бошланди. Сўнг ёшлар мумтоз адибларимиз Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ҳайкаларини ҳам зиёрат қилдилар. Қорақалпоғистон

республикаси ҳамда вилоятлардан келган истеъдодли ёшлар назм, наср ва болалар адабиёти йўналишлари бўйича энг сара асарларини семинарга тақдим этидилар. Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, семинарнинг амалий тисмоли сифатида теран мазмунга эга. Айнан ўша она тилимизга давлат тили мақоми берилган тарихий санадан бошлаб маънавиятимизнинг олтин саҳифалари очилди десак, муболага бўлмайди.

Мазкур семинарнинг мақсади ҳам қалам тебратётган, адабиётга энди ўзининг гўзал туйғуларини назар ташлаётган ёшларга маҳорат мактаблари орқали устозларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бадиий ижоднинг нечоғли масъулиятли соҳа эканлигини англатишдан иборатдир. Семинарнинг биринчи кунидеяк давра суҳбатларида янгидан-янги истеъдодларнинг кашф қилиниши ва уларнинг ўз сўзлари борлиги, устозлар

эътиборига тушиш, ёшлар ўртасидаги фикр алмашувлар, қизгин муносоралар барчамизни қувонтирди.

Бу йилги семинар аввалгиларига қараганда янада жонли ва қизгин ўтганлиги, ёшларимизнинг билими, мутлоага жиддий эътибор қаратаётганликлари ва булар ўз натижасини кўрсатаётгани ҳам қувонарлидир.

Машғулотлар устоз ва шогирд тамойилига амал қилинган ҳолда олиб борилди, десам адашмайман. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг маҳорат сабоқлари ёшларда унутилмас таассурот қолдирди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти», «Ёшлик» журналлари тахририятлари ижодий ходимлари билан самимий гурунглар, Давлат мукофоти совриндори Мухаммад Али, адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддинов билан тарих сабоқлари ва замонавийлик мавзусидаги суҳбат, шоир ва ёзувчилар Ҳалима Аҳмедова, Исажон Султон билан ўқазилган ижодий учрашув ва бошқа давра суҳбатлари ҳам иштирокчилар қалбиди адабиётга бўлган қизиқиш ва иштиёқни янада оширди.

Давоми иккинчи саҳифада.

2-3

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Кунини кеча Президентимиз томонидан «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорнинг эълон қилиниши юртимизда ёши улуғ кексаларга ҳурмат-эҳтиром ҳамда азалий анъаналаримиз бўлимиш мусулмончилигимизга алоҳида эътибор қаратилаётганидан ёрқин далолатдир.



Давоми тўртинчи саҳифада.

Қарорда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳайит байрамини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширишга даъват этилган. Буларнинг барчаси халқимизнинг қувончига қувонч қўшиди.

Маълумки, бу кутлуг кунда барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, қариндош-уруғлар, ёру-биродарларни зиёрат қиладилар, яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бирор сабабга қўра аразлашган, гина-қудратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро узра сўрашиб, бир-бирларига қучоқ очадилар. Бундай хайрли ишлар азалий қадриятларимиздандир.

Мусулмонлар фақат шу кунларда эмас, балки йил давомида бир-бирларига ўзаро яхши муомалаю муносабатда бўлмоқлари керак. Саховатли кишиларимиз Аллоҳ берган неъматлардан хайр-эхсон этиб, меҳрга муҳтож одамларга ёрдам қўлларини чўзмоқлари даркор. Эндиликда хайрли анъанага айланганидек, савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак. Негаки, ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру-оқибатли бўлишга чақириши билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди.

Истеъдод,
истеъдод ва яна
бир бор истеъдод
соҳибларини
топиш,
тарбиялаш ва
уларнинг
меҳнатини
муносиб қадрлаш
энг асосий
вазифамизга
айланиши зарур.

Ислом Каримов

Ёзувчилар уюшмаси нашрга тавсия этган бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг китоблари «Ижод» жамоат фонди томонидан молиялаштирилиб, «Адиб» нашриётида чоп этилди. Ҳар бири 20 минг нусхада чоп этилган мазкур «Биринчи китобим» туркумидаги тўпламлар яқин кунларда ўқувчилар қўлига етиб боради.

«ҚИШЛОҚДАГИ БУВИЖОНИМ»

Динора Раҳмонованинг «Қишлоқдаги бувижоним» қиссаси қаҳрамонининг кўзи билан бугунги ҳаётимизга разм соларкансиз, бегубор боланинг тийрак нигоҳи илганган кишилар феъл-атвори, оилада, турмушда турли авлодларнинг ўрни, ҳурмат-иззати, бурчи ва вазифалари, ўтмиш билан бугунги кунни боғлаб турган мустақкам маънавий ришталар — барча-барчаси содда, самимий, энг муҳими, ростгўйлик билан баён қилинганга шохид бўласиз.

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида таваллуд топиб, бугун ЎЗМУ қошидаги 2-сон академик лицейида таълим олаётган Диноранинг ушбу илк қиссаси унинг насрга иқтидоридан: атрофдаги одамларни, воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан кузата билиш, кўрган-билганларини мушоҳада қилиш ва, энг муҳими, уларни таъсирчан ифода қилиш қобилият борлигидан далолат бериб турибди.



Киритиди. Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил ола бошлагач, мумтоз Шарқ адабий мероси билан танишади. Рус-тамнинг биринчи китоби — «Бу — ошқ сўзим»даги шеър ва газалларнинг равонлиги, оҳорли иборалар, муносиб ташбеҳ ва тимсолларнинг ўрнида, меъёрида қўлланилганда ана шу кутлуг меросдан олган сабоқлар самараси кўриниб туради.

Ёш шоирнинг илк тўпламига кирган шеърларда навқирон нигоҳнинг қузатувчанлиги, нарсачодисалар ҳақида ўз дунёқараши, иқтидори даражасида юритган мушоҳадалари муносиб ифодасини топган.

«ХАЁЛ ҚЎШИҒИ»

Паркентлик ёш шоира Наима Абдурахмонованинг «Хаёл қўшиғи» тўпламидаги шеърлари пишик-пухта, образли иборалар, мос ва мувофиқ ўхшатишларга бой. «Истиклол» сарлавҳали шеърда у бугунги дорилмон, серкўёш кунларни юрт озодлигини орзу қилган шарафли устозлар ёди билан биноийдек уйғунлаштира билган:



Қайта тугилгандек уйғок Туркистон,
Чўлпон, Қодирлар юргандек кутшуд.
Ҳар бир саҳифаси энг нодир дoston,
Кеча ҳам, бугун ҳам бўлмайди унут.

«УЙҒОҚ ЮРАК»

Самарқанд вилояти Окдарё туманида туғилган Ифтихор Хонхўжаевнинг «Уйғоқ юрак» номли китобидаги шеърларида она-юрти, халқи, шавкатли аждодлари ва фидойий авлодлари билан чин дилдан фахрланиб, уларни шарафлашни ўзи учун бурч деб билган ёш замондошимизнинг ўқтам овозига гувоҳ бўламиз. Буни Ифтихорнинг мазкур тўпламидаги «Ўзбек ўғли» номли шеърдан олинган ушбу мисраларни ўқиб ҳис этасиз:



Бешикдамас, икки дунё орасида,
Елкасига номус номли тиг илади.
Соҳибқирон Амир Темур боласи-да,
Ўзбек ўғли султон бўлиб туғилди.

«ФАРИШТА МИМ САРГУЗАШТЛАРИ»

Эртак эшитиб улғайган боладан ёмонлик чиқмайди, дейишади. Эртак ёза олган боладан-чи? Унинг ёмонликка яқинлашмаслиги-ку аниқ, бироқ бундай болажон эзгуликни қалбларга-да қўчира олади. Бухоролик ёш ижодкор Рушана Набиевнинг «Фаришта Мим саргузаштлари» номли китобига эртак, масал, лавҳалар жамланган. Унинг «Мовий от изидан», «Фаришта Мимнинг бошидан кечирганлари», «Кўхна Бухорога саёҳат» каби эртакларидаги қизиқарли, қутилмаган воқеалардан баҳра оласиз, «Камтарга камол», «Тугмачанинг саргузаштлари» сингари масалларида эзгу фазилатлар тантанасига гувоҳ бўласиз. «Онажоним, қайдасиз», «Тарок ва соч», «Илк қадам» дея номланган лавҳалар бегубор кўнгил кечинмаларидан сўзлайди.



«КҮЁШЛИ ЁМҒИР ҚЎШИҒИ»

Абдулазиз Саидовнинг «Кўёшли ёмғир қўшиғи» номли биринчи тўпламига «Ватаним», «Ота-онам», «Кўёшли ёмғир қўшиғи» ва «Менинг дўстим» каби эртак, хикоялар киритилган. Жозиб туйғуларининг ёш қаламкаш қораламаларидаги акси тиниқлиги ундаги ижодга бўлган муҳаббатдан далолатдир.



«КҮНҒИРОҚ»

Хиёнатни кечиргаймиз,
Нафратдан қалб гапшларим.
Дўстлар, Ватан остонамас,
Юраклардан бошларим.



Қалб тўридаги энг азиз туйғу она-юрт тўғрисидаги ҳароратли, софлик билан йўғрилган мазкур тўртлик қорақалпоғистонлик ёш ижодкор Сабоҳат Саъдуллаева қаламига мансуб. Мазкур тўртлик ҳамда Сабоҳатнинг назм йўлидаги бошқа изланишларининг унинг «Кўнғироқ» номли илк китобида ўқиш мумкин. Китобда Сабоҳатнинг кўнгил мавжлари ўзининг тиниқ ифодасини топган.

«ЁРУҒ КҮН»

Наманганлик ёш шоира Зулфизар Мухаммадасоқова шеърлари дастлаб «Ватаним — менинг гурурим», «Шоир ёққан чироқлар» тўпламларида чоп этилган. Унинг биринчи китоби — «Ёруғ кун»га она-юртимиз мадҳ этилган шеърлар жамланган.



Зулфизар Ватан тақдирига ўзини дахлдор ҳис этади. Бу туйғу уни Ватан таърифига муносиб сўз топишга ундайди. «Тонгларга адиқлар уланиб кетган» юрт гўзаллигидан баҳрамандлик, унинг истиқболлини ўйлашдек юртпарвар туйғулар З.Мухаммадасоқованинг шеърларига ўзига хос мазмун, тароват бағишлаган.

«БУ — ОШИҚ СЎЗИМ»

Рустам Мирвоҳид пойтахтимизнинг Ҳамза туманида туғилган. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ёш қаламкаш қалбиди шеърятга ҳавас уйғонади. Илк машқлари билан мактаблар ўртасида ўқазилган кўрик-танловда голибликни қўлга

Хожа Аҳмад Яссавий асрлар мобайнида Шарқ мамлакатларининг маънавий, маданий ва адабий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган буюк сиймодир. Унинг ҳикматлари неча юз йиллардан бери халқимиз томонидан севиб ўқилади. Яссавий асос солган ҳикмат мактаби туркий халқларнинг тили, адабиёти, маънавияти ва маданиятига сезиларли таъсир кўрсатган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” ҳамда “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” асарларидаги ўзбек адабиётининг хорижий элларда тарғиб этишнинг аҳамияти ва таржима ишларини кучайтириш, бадий таржима бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги кўрсатмалари бўйича дастлабки ҳаракатларни 2010 йил апрель ойидан Ўзбекистон жаҳон тиллари университетиди “Ёш таржимонлар мактаби”ни ташкил этишдан бошлаган эдик. Таъкидлаш лозим, илмий-ижодий лойиҳамиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан қўллаб-қувватланиб, 2010 йилнинг май ойида уюшмада тақдимот ташкил этилди. Шундан сўнг уюшманинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бошқараётган Адабий алоқалар ва бадий таржима кенгаши раҳбарлигида бу ишлар тизими тарзда йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда таржима соҳасига бўлган эътибор кескин ошди. Чунончи, ўзбек адабиётининг муомтоз намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида “Ёш таржимонлар мактаби”нинг шўъбалари ҳозирги пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Қарши давлат университетида фаолият кўрсатмоқда.

“Ёш таржимонлар мактаби”ни тузишдан мақсад ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва бу ишга салоҳияти бор мутахассис ҳамда таржимонларнинг малакасини ошириб, юртимизда таржимашунослик ишларини янги босқичга кўтаришдир. Мазкур мактаб талабаларнинг бадий тафаккур ва ижодий қобилиятга эга, назм ва наср жанрларида машқ қилиб юрган иқтидорли гуруҳи негиздаги ёшлар клуби кўринишида шакллантирилди. Клуб фаолияти тегишли олий таълим муассасаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бевосита раҳбарлиги остида юритилади.

Юқорида санаб ўтилган олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган “Ёш таржимонлар мактаби” билан Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган. “Ёш таржимонлар мактаби” ўз йўриқномаси ва ҳаракат дастурига эга. Одатда бу ҳужжатлар тегишли олий таълим муассасаси Илмий кенгашида атрофлича муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабий алоқалар ва бадий таржима кенгаши аъзолари, уюшманинг жойлардаги вакиллари, таржимашунос олимлар ва амалиётчи таржимонлар, иқтидорли талабалар иштирокида “Ёш таржимонлар мактаби”нинг тегишли шўъбаси ташкил этилади.

Энди “Ёш таржимонлар мактаби” томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Биринчидан, талаба ёшлар орасидан бадий тафаккур ва ижодий қобилиятга эга, назм, наср жанрларида машқ қилиб юрган иқтидорлилари танлаб олинмоқда, уларга адабиёт назарияси ва таржима илми бўйича дастлабки сабоқ берилмоқда. Иккинчидан, хорижий тилларга таржима қилиниши долзарб ҳисобланган адабиётлар жамланди. Учинчидан, ёш таржимонлар фаолиятини рағбатлантириш ва таржима ишларини оммалаштириш мақсадида “Ёш таржимонлар мактаби” йиллик альманахини таъсис этишни режалаштирганимиз. Худди шундай альманах “Ёш таржимонлар мактаби” фаолият юритаётган ҳар бир олийгоҳда чоп этилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, шўро замониди бизда чет эл адабиёти (айниқса, рус адабиёти) кўп ва ҳўп таржима қилинди. Айни пайтда ўз адабиётимиз — ўзбек адабиёти билан жаҳон ҳам-жамиятини таништира олмадик. Аслида, адабий алоқалар ва бадий таржима иши тарозининг икки палласига ўхшайди. Шўро ту-

зуми шароитида тарозининг ана шу икки палласи ўртасида мувозанат бузилган эди. Сабаби таржима иши — таржима сиёсати собиқ комфирқа сиёсатининг бир қисми бўлиб, марказдан бошқарила эди.

Муастакиллигинингнинг ўтган йигирма бир йили мобайнида бошқа соҳалар қатори адабиётимиз ҳам, унга эътибор ҳам жиддий ошди.

Хорижий мамлакатларда бўлганимда китоб дўконларида эрон, араб, хинд, хитой адабиётининг ўнлаб вакиллари асарлари “кўкрак кериб” жавонларда тахланиб турганини кўриб, ўзбек адабиётини таржима қилишга эътибор сустигидан афсусланган-

ман. Юртбошимизнинг таржимага эътибори кўнглимиздаги ниятларни амалга оширишга туртки бўлиб, аввал Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди, ҳозирда эса Самарқанд давлат чет тиллари институтида “Ёш таржимонлар мактаби”ни ташкил этдик. Натижалар биз кутгандан ҳам яхши. Ўтган ўқув йилининг иккинчи ярмида Қарши давлат университетида ҳам филология фанлари номзоди Гулноза Одилованинг сайъ-ҳаракати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Ёш таржимонлар мактаби” фаолияти йўлга қўйилди.

“Ёш таржимонлар мактаби” фаолиятини, асосан, тўртта босқичда амалга ошириш режалаштирилган. Биринчи босқичда ёш таржимонларга таржимага танланган асарнинг мазмун-моҳиятини теран англаб етиши учун адабиётшунослик фани ва таржима илми бўйича илк сабоқ берилади. Иккинчи босқичда Ёзувчилар уюшмаси бююртмаси асосида шакллантирилган таржимага мўлжалланган бадий асарлар мутахассис устозлар кўмағида амалга оширилади. Таржима қилинган асар маҳаллий ва хорижий мутахассислар тахриридан ўтказилади. Энг сара таржималар олийгоҳда чоп этиладиган “Ёш таржимонлар мактаби” йиллик альманаҳига киритилади. Бунда хорижлик мутахассисларнинг таржимон сифатида иштироки ҳам назарда тутилган. Навбатдаги босқичда олийгоҳ альманаҳида чоп этилган таржима асар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Адабий алоқалар ва бадий таржима кенгашида кўриб чиқилади. Танлаб олинган энг сара таржималар уюшманинг “Ёш таржимонлар мактаби” йиллик альманаҳида босилади.

Сўнгги босқичда таржима қилинган асарни хорижий китобхонага етказиш иши амалга оширилади. Бу иш Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Ижод” жамоат фонди кўмағида бажарилади.

Биз, шунингдек, бадий таржима воситасида талабаларнинг малакавий битирув ишларини озага қиқариши, магистрик, докторлик диссертацияларини тайёрлаш ва

ёқлаш даражасида тадқиқот ишларини давом эттиришни назарда тутганимиз. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди бу жабҳадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Самарқанд давлат чет тиллар институтида бу йўналишдаги ҳаракатларга жорий ўқув йилидан киришишни режалаштирганимиз.

Самарқандда кўп асрлик адабий муҳит, катта таржима мактаби бор, таржима санъатида ихлоси балоид ижодкорлар фаолият юритмоқда. Биргина бизнинг институтимиздаги таржимонлик факултети ҳамда таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида Пошали Усмон, Салим Жабборов, Абдумурод Кўчибоев, Динара Султонова, Салоҳиддин Ҳайитов, Анастасия Морозова каби ўнлаб таржима ишларида катта тажриба тўплаган устозлар меҳнат қилишмоқда. Шу боис “Ёш таржимонлар мактаби”ни ташкил этиш хусусидаги лойиҳа институти жамоаси томонидан бажонидил қўллаб-қувватлан-

Таржима — юксак санъат

ди. Ўтган ўқув йилининг ўрталарида олийгоҳимизда ўтказилган илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабий алоқалар ва бадий таржима кенгаши раиси Муҳаммад Али, уюшманинг бошқа аъзолари, институт профессор-ўқитувчилари, иқтидорли ижодкор талабалар иштирокида “Ёш таржимонлар мактаби” фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда 150 нафардан зиёд талаба ушбу мактаб-

га аъзо. Мактабга таржимашунос, филология фанлари номзоди Салоҳиддин Ҳайитов раҳбарлик қилапти.

Бўлажак таржимонлар тиллар бўйича кичик шўъбаларга тақсимланган, ҳар бир шўъбага таржима назарияси ва амалиёти бўйича таниқли устозлар раҳбарлик қилапти.

Алатта, бу борадаги ишларда хорижий тиллардан қилинадиган таржималар билан бирга, кўпроқ ўзбек адабиёти намуналарини чет тилларга ўғиришга эътибор қаратилмапти. Шу ўринда мен институтимиз мутахассис-таржимонлари талабалар билан ҳамкорликда амалга оширган Чўлпон шеърлари, Сўфи Оллоёр ҳикматлари, Зулфия, Шайхзода, З.Диёр, П.Мўмин, Э.Вохидов шеърлари, Ғ.Ғуллом ҳикоялари ва ўзбек халқ эртакларининг инглиз, немис тилларига таржималарини таъкидлаб ўтишни истардим.

Бир сўз билан айтганда, режаларимиз улкан, қилинаётган ишлар кўлами кенг ва ранг-баранг. Ҳозир “Замонавий самарқандлик ижодкорлар” антологиясини тайёрлашга киришганимиз. Ушбу антологияда Самарқанд адабий муҳити ҳақида мухтасар маълумотлар, самарқандлик ижодкорларнинг биографияси, уларнинг асарларидан намуналар ўзбек ва инглиз тилларида берилди.

Шу йилнинг 23 — 24 ноябр кунлари институтимизда таржимашуносликнинг долзарб масалалари бўйича устоз Ғайбулла Саломов хотирасига бағишланган “Бадий таржиманинг лингвопоэтикаси” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилади. Биз анжуманга қадар “Ёш таржимонлар мактаби” альманаҳини чиқариб анжуман қатнашчилари эътиборига тақдим этиш ниятидими. Имкониятдан фойдаланиб республика-миздаги барча таржимашунос олимларни, амалиётчи таржимонларни ана шу анжуманга тақлиф этамиз.

Шухрат СИРОЖИДИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар
институти ректори, профессор.

ҲИҚМАТ МАҚТАБИ САБОҚЛАРИ

масъул муҳаррир Иброҳим Ҳаққул) номли китоби чоп этилди.

Китоб муаллифи матбуотда яссавийшуносликка доир рисола ва мақолалари билан яхши танилган. У анчадан бери мазкур мавзунинг атрофлича тадқиқ этиб келмоқда. Монография номидан ҳам маълум бўлганидек, «Яссавийликка доир манбалар ва «Девони ҳикмат» яссавийшуносликнинг муҳим масалалари тадқиқига бағишланган. Чунончи, китобнинг биринчи бўлимида Шарқда ва Ғарбда Хожа Аҳмад Яссавий мавзусида бугунга қадар амалга оширилган тадқиқотлар жамланиб, уларга доир фикр-хулосалар билдирилган. Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган мазкур бўлимида нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёнинг бошқа республикалари, балки Аҳмад Яссавий ва яссавийлик мавзусида Ғарб ва Шарқда амалга оширилган жуда кўплаб илмий ишлар санаб ўтилган. Муаллиф уларга доир ўз илмий кузатишларини билдириб, керакли хулосалар чиқарган.

Иккинчи бўлимда тадқиқотчи яссавийликка доир бугунгача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган бир қатор янги мўъта-

бар манбаларни топиб, илмий истеъмолга олиб кирган. Уларни атрофлича тадқиқ қилиб, кенг таҳлилга тортган. Манбалар асосида Аҳмад Яссавий ва «Девони ҳикмат» хусусида асосли фикрлар билдирган.

Учинчи бўлимда Хожа Аҳмад Яссавий илмий таржимаи ҳолини ёзишга уринган. Чунончи, унинг ҳаёти, илм таҳлили, қарашлари, тариқати, ижодиёти, таъсирлари, устоз ва шогирдлари каби масалаларга эътиборини қаратиб, ўз навбатида, «Девони ҳикмат»нинг маъно-моҳиятини изоҳлаб беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, «Девони ҳикмат»нинг ғоявий ва лисоний хусусиятларига кенг тўхталган. Бу бўлимдаги кузатишлар Аҳмад Яссавий ҳикматларининг муаллифлик масаласини ойдинлаштиришда ҳам анча ёрдам беради. Тўртинчи бўлимда ўзбек адабиётини Аҳмад Яссавий анъанасининг давом эттирилиши мавзусига тўхталган. Яна Яссавий мактаби вакиллари ҳаёти ва ижоди атрофлича тадқиқ этилган.

Шунингдек, асарда Аҳмад Яссавий ва Арслонбоб, Аҳмад Яссавий ва Амир Темур, Аҳмад Яссавий ва Навоий, Аҳмад Яссавий ва Шайбонийхон, Аҳмад Яссавий ва Ўбайдий, Аҳмад Яссавий ва Фитрат каби бўлимлар фактлар ва таҳлиллар ёрдамида яхши ёритиб берилган. Китобда мавзуга доир беш юздан ортиқ турли тиллардаги манбаларга мурожаат қилинган.

Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ҳикматлари, таълимоти ва издошлари мавзусидаги мазкур тадқиқот бугунги илм-фанимиздаги муайян бўшлиқни тўлдиршга хизмат қилади ва адабиётшуносликдаги муҳим муаммоларни ҳал қилишга бағишланганидан билан эътиборли ҳисобланади.

Сайфиддин РАФИЙДИНОВ,
Алимардон ХАЙИТОВ,
филология фанлари номзодлари

Тақриз

УСТОЗ ОЛИМ ХОТИРАСИ

“Матёқуб Қўшонов замондошлари хотирасида” деб номланган тўпламдан ўттиз тўрт хотира, етти мақола ўрин олган. Самимийлик, табиилик, янги далил, маълумотларнинг мўъта- ги уларнинг барига ҳос энг муҳим хусусият, фазилатлардир.



Муаллифлар — устозни яхши билган олим, адиб, мунаққид, дўст-биродарлар Матёқуб Қўшоновнинг адабиётшунослик, танқидчилик, мураббийлик, ташкилотчилик маҳорати, инсоний фазилатларини ибратли далиллар, ҳаётий мисоллар орқали ишонарли тарзда кўрсатиб беришган. Олимнинг адабиётшунослик соҳасидаги фаолияти, танқидчи сифатидаги маҳорати ҳамкасб адабиётшунос, мунаққидлар томонидан кенг ва теран ёритилган бўлса, адиб ва шоирларнинг эссе ва мақолаларида унинг шахси, тийнати, қизиқиш доираси, инсоний фазилатлари бадий-публицистик лавҳаларда ёрқин бўёқларда ифодаланган.

Озод Шарафиддинов “Снайперликдан — академикликка” мақоласида М.Қўшонов Ижтимоий фанлар академиясида қатъий интизом билан ўқиган, ўз устида бетиним ишлаганига кўп бор гувоҳ бўлганини, назарий билимлари бақувватлиги туфайли ўзбек адабиётшунослигида биринчи марта адабиётнинг образли табиитини англаб, унинг спецификасига ақинлашиб иш кўргани, бадиятнинг асосий қуроли бўлмиш характер проблемасининг янги жиҳатларини кашф этганини алоҳида таъкидлайди. Умарали Норматов ярим аср ҳамқору ҳамдаст ижод этишган О.Шарафиддинов ва М.Қўшоновни миллий танқидчилигимизнинг кўш қаноти, асосчилари, деб атайди. Миллий университетда устоз олимдан сабоқ олган таниқли олимлар А.Расулов, А.Қўлжонов, Н.Худойбергенов, Т.Махмудов, Б.Назаров, К.Қўрамов, К.Йўлдош, С.Мели, С.Олим ва бошқалар домланинг бетакор маҳорати, кенгфеллиги, мулоийм ва қатъиятлилиги сингари фазилатларини мароқли, ибратли далиллар билан кўрсатиб беришган.

Дарвоқе, Б.Назаров жаҳон адабий танқидчилиги антологияси чоп этилса, унга М.Қўшонов ижодида ҳам намуналар киритилишини оруз қилади. А.Қўлжонов устоз адабиётшуноснинг “Опа-сингиллар” романига бағишланган мақоласи, “Сўқмоқлар” кассасини адолатли танқид қилган “Аттанг...” сарлавҳали тақризини, бадий асар сюжетини, композицияси, конфликтини ҳақидаги туркум тадқиқотларини талабалар қайта-қайта ўқиб ҳузур қилишгани, “Хаёт ва маҳорат”, “Ойбек маҳорати” ва бошқа тадқиқотлари нафақат мутахассислар, балки адабиётимиз мухлисларининг ҳам сеvimли китобларига айланганлиги, улардаги ўзига хос маъруза санъатини алоҳида таъкидлайди. М.Қўшоновнинг мохир синчилиги, таҳлилда мўлжалли аниқ олишга, ҳолисли-

гига ургу бераркан, К.Йўлдош унинг бадий асарга тепадан туриб қарамаслигини, аксинча, авайлаб муносабатда бўлишини, персонажлар ғоянинг рупори сифатида эмас, тирик одам тарзида тасвирланиши лозимлигига аҳамият берганини атайди. Э.Самандар домланинг Хоразм, К.Қўрамов қорақалпоқ, О.Тўраев туркман илмий-адабий муҳитига қўшган ҳиссасини аниқ мисоллар воситасида кўрсатиб беришган.

Адолатли, очик, баъзан аччиқ танқидий фикрли мунаққидга ҳар қандай ижодкорнинг тан бериши ҳамёб ҳодиса. О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмиров, Ў.Ҳошимов, М.Али, О.Мухтор, Ш.Бўтаев ва бошқа таниқли адибларнинг Матёқуб Қўшонов маҳорати, шахсияти ҳақида бадий-публицистик йўсинида изҳор этишган илиқ фикрлари олимнинг ўз вақтида адабий жараёнда фаоллигини, танти ва холис бўлганини далиллади. Чунончи, О.Ёқубов “Жонқуяр” мақоласида ибратли бир мисол келтирди. М.Қўшонов ҳақида гап кетганда Ойбек домла ўткир кўзлари порлаб мамнуният билан “Яхши-яхши! Асар танийди!”, деган ва шу қисқа эътирофи билан мунаққид тадқиқотларининг теранлигини таъкидлаган экан. Ш.Холмировнинг самимий, дангал ёзилган “Бу кишим — устоз, мен — шогирд” номли ақшомли эссеси қиссадай мароқ билан ўқилади.

Мухими, тўпламдаги мақола, хотиралар Матёқуб Қўшонов шайғига билдирилган мақтов сўзларидан иборат бўлиб қолмаган. Муаллифлар бир инсонга ҳос айрим нуқсонлар унга ҳам берилмаганлигини, барча асарлари бир хил савияда эмаслигини, айримлари замона зайли, мафқуравий босим остида ёзилганини, лекин бу кичик қусурлар катта қалб эгаси фаолиятига, илмий-ижодий меросига соя соломаслигини ҳам қайд этишган.

Тўпламда айрим далиллар (масалан, “М.Қўшоновнинг ҳар кун камиди бир бет ёзишни қанда қилмасди” каби) бир неча мақолаларда такрорланади. Айрим тахир-талаб жумлалар ҳам йўқ эмас. Албатта, устоз олим ҳақида унинг ўзи ва ижодини ҳар жиҳатдан яхши билган Э.Вохидов, А.Орипов, О.Матжон, Т.Мирзаев, И.Ғафуров, М.Саъдий, И.Абдухаликов ва бошқа таниқли ижодкорлардан ҳам мақола, хотиралар олинганда асар ҳам мазмун, ҳам мундарижа нуқтаи назаридан янада бойиган бўлур эди.

Гули КЕЛДИЁРОВА,
Сайди УМИРОВ

ИЖОДКОР ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Семинар давомида ёш ижодкорлар учун яна қандай маданий тадбирлар ўтказилди?

— Семинар давомида ёш ижодкорларнинг маданий ҳордик чиқаришлари ҳам эътибор берилди. “Шаҳидлар хотираси” хиббони зиярати, Ўзбекистон миллий академик драма театрида «Оилавий сир» спектакли томошаси ёшларнинг эстетик дунёқарашларини бойитди. Машгулотлардан сўнг Дўрмоннинг сўлим оқшомларида таниқли хонандалар ижро этган куй-қўшиқлар, мушоралар ва байт-бараклар эса ёшларга олам-олам завқ бағишлади.

Семинар иштирокчиларининг ижоди билан яқиндан танишиб чиқиш жараёнида навоийлик Ифтихор Хонхўжаев, жиззахлик Кумуш Усарова, қашқадарлик Бобур Элмуродов, сурхондарёлик Нарғиза Одинаева, паркентлик Сироҳиддин Робидов шеърларидаги оҳорли ташбеҳлар, самимий оҳанглар кўпчилигининг диққатини жалб этди. Ижод

фонди ҳомийлигида “Биринчи китобим” лойиҳаси асосида “Адиб” нашриётида нашр этилган китобларнинг Ёзувчилар уюшмасидаги тақдироти ҳам кўтарини руҳда ўтди.

— Адабиётнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўз борганда бевосита маънавият хусусида ҳам тўхталамиз. Бу икки тушунчанинг бир-бирини тўлдирадиган жиҳатлари ҳам кўп.

— Шеърятнинг абадий йўлдоши эзгулик, бир сўз билан айтганда, маънавиятдир. Таъбир жоиз бўлса, оддийгина майсанинг ерни ёриб чиқишида ҳам маънавият бор. Униб-ўсиш, улғайиш, яхшилик улашиш — бири-бирига уйғун тушунчалардир. Бугун қўлига қалам олган, истиқлол йилларида вояга етган фарзандларимиз қалбидида пок ҳиссиётлар, эйлаётган тоза шеърлар ҳам, аввало, эзгулик қўёшидан қувват олган, истиқлолдан илҳомлангандир. Шу табарруқ заминнинг бағрида улғайиб келаётган авлодлар қалбидида маънавият, аввало, Ватани севмоқдан бошланмоғи йўл. Маъ-



навият ва адабиёт шу туфайли уйғун ва ҳамохангдир.

Семинар машгулотларида барча ёш ижодкорлар фаол иштирок этишди. Назм, наср, болалар адабиёти шўъбаларга бўлинган ҳолда уч кун давомида ўтказилган ижодий машгулотларда таниқли адиблар Махмуд Тоир, Кенгисбой Каримов, Икром Отамурод, Улғубек Ҳамдам, Турсунбой Адашбоев, Ашурали Жўраев ва бошқа ижодкорлар ёшларнинг кўлёмаларини ўқиб,

муҳокама қилдилар. Бадийлик мезонлари бўйича ёшларга зарур маслаҳатлар берилди.

Дўрмон семинари туфайли яратилган ижодий муҳит келажакда ёшлар томонидан ёзила- жак янги бадий асарлар учун замин яратди деб ўйлайман.

Семинар якунида барча иштирокчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг сертификатлари ва совғалар топширилди. Энг яхши асарлар «Биринчи китобим» нашрига тавсия этилди.

Барно
ДОНАЕВА



КИТОБ СИРИ

Китоб менинг ҳаётим, умрим, юрагим. Сиримни сотмайдиган дўстим. Уни қайга борсам уйлайман, излайман. Қувончимни, ғамимни баҳам кўрувчи дарддошим. Бебаҳо бойлигим. Китобсиз яшаш мумкин эмас. Ҳаётнинг гўзаллигини ақс эттирадиган кўзга — у. Инсонни юксалтирадиган, ўзлигини англатадиган буюк мўъжиза.

БАҲОР

Баҳор... Унинг нафосатию гўзаллигига қараб тўймайди киши. Саболарнинг роҳат берувчи саси. Дарахларнинг бетакор гуллари, ариқларнинг шарқираб оқиши. Ҳаммасида инсонни ўзига тортувчи ўзгача жило яширин. Майсаларнинг ям-яшил барқ уриши. Бежизга уни "Зумрад баҳор" деб атамайдилар, ахир! Фаслларнинг энг мафтункори — баҳор...

СЕВГИ НУРЛАРИ

Ҳижрон ёмғирлари муҳаббатнинг қанотларини ҳўл қилди. Муҳаббат қанотлари бироз толганини ҳис этиб, панага ўтди. Айрилиқнинг аёзи муҳаббатни титратиб юборди. Шунда сеvgи нурлари фироқ булутлари остида мўралай бошлади. Муҳаббат, қувонч дарахти шохларига қўниб

ўзини енгил ҳис этди. Ва учишга чоғланди. Узоқларда қанчадан-қанча азоб, уқубат давонлари борлигини кўнглидан ўтказди муҳаббат.

ПАҲЗА...

Эшик тақиллади.
— Кимсиз?! — сўрадим аста.
— Мен севгиман... — жавоб берди ғойибий овоз.
— Нега келдинг?
— Мен қалбингда яшамоқчиман...
Ҳўчан эшикни очдим:
— Киринг, — дедим.
У шундан буён менинг қалбимда. Гулларни у билан томоша қиламан. Боғларни бирга кезаман. Унинг кўзлари билан дунёга завқланиб, хушнуд боқаман.

Чизғалар

ДАРД

Дард-алам... Кимда ҳам йўқ дейсиз уни. Шохдан шохга қўниб ниманидир ахтарайтган мусичанинг ҳам ўз дарди, овқат дарди бор. Забони йўқ ҳайвонларнинг ҳам етарлича дарди, болаларнинг қорнини тўйдириши, емиш дарди мавжуд.
Одамни одам, ҳаётни ҳаёт қилиб турган ҳам ўша — дард... Чунки дард бўлмаганда бахтнинг қадри бўлмасди.
Саккиз яшар қизнинг юрагига ҳам алланечук ситам яширин. Юзлари лов-лов ёнаётган, кўзларида ҳаё балқиб турган ўн саккиз яшар қизнинг ҳам қалбида — ишқ дарди яшайди.
Ота-она қайғуси эса фарзандини вояга етказиш, камолини кўриш, кийим-кечак, овқат билан таъминлаш.
Дарднинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бирок дунё фақат дарддан иборат эмас. Унинг акси бўлмиш қувончу шодлик ҳам ҳаётнинг негизидир. Бу оламда дард билан ёниб яшанг! Дардсиз кимсаларга гўзал дардлардан ҳаёда этинг... Лекин уларни, албатта, енгиб ўтинг... Эзилиб дард тагига қолиб кетманг.

Сурхондарё

Дилфуза
АЙНАЗАРОВА



ТАШРИФ

Қамчилаб дераза ойналарини,
Баҳор товуш берди: "Уйгон, деҳқон!" деб.
Кўз-кўз этиб атлас кўйлақларини
Камалак ёмғирда рақс тушди жон деб.

Сабо сочларининг тортиқлаб олиб,
Завқланиб чертади юрак торини.
Қуёш меҳр билан жилмайиб қулиб,
Шакардай эритар тоғлар қорини.

Юракда ушалғай армоним, дардим,
Яшнағай ям-яшил Оролга тенг из —
Кўм-кўк майсаларга буркангай юртим
Шарқираб тургандек тўлқинли денгиз...

Қорақалпоқчадан
Рустам Мусурмон таржимаси

УСТОЗ

Бир темир турибди, у — робот эмиш,
Ҳатто одамдек бор бурни, қулоғи.
Ҳисоблай олармиш, сўзлай олармиш,
Шабамадек ялтирар қумуш яноғи.

Биргина мияда барча билим жам,
«Ал-жабр» дейсизми, ё «жугрофия».
Бир вақтнинг ўзида шохмат ўйнаб ҳам
Дарсин ўтказаркан «инглизча» дея.

Энг олий ютуқ бу, юксак ютуқ бу,
Инсон сайраттирди ҳатто темирни.
Шуни яратганга билим берган-ку,
Меҳнат-ла кўзини очган сўқирни.

Бундан ҳам буюкроқ зотни биламан,
У зотнинг олдида тоғлар — тоғ эмас.
Мен ўшал сиймога таъзим қиламан,
Сўнгги лаҳзагача бошим эгик, бас!

«Болам» дегадир у, меҳри бўлачка,
Фариштадан покрок, ундан нурироқ.
Токи мактаб келиб, билим бергунча
Унинг уйқуси йўқ, кечалар уйғоқ.

Юраги бормикан роботингизнинг?
Менинг устозимнинг чўғ юраги бор.

Мухриддин
МУХТОР



Баҳам кўрармикан ташвишингизни,
Ўқувчи йиғласа, устоз ҳамроҳдир.

О, устоз — кўзимнинг нури, гавҳари!
Сиз борсиз, дунёда олам гўллайди.
Мактабнинг термулган қора кўзлари
Энг олий, энг юксак бахтни тилайди.

Йўлимиз кўрсатинг бошимиз силаб,
Дарсингиз бизларга бўлсин номус, ор.
Сизга қувонч, узоқ умрлар тилаб,
Камтар шоғирдингиз — Мухриддин Мухтор.

Бухоро

Ифтихор
ХОНХУҲАЕВ



АДАШГАН ХАТ

«Юрагимни қамраган соғинч,
Ҳар нафасда эслайман сизни.
Ҳатто тушлар ухломайман тинч,
Тушларимдан излайман сизни.

Жоду каби тортаркан меҳр,
Хат ёзарман бедор тушларим.
Соғинганда ортаркан меҳр,
Шукр, яқин дийдор қуларини...

Ҳар ҳафтанинг якшанбасида
Такрорларан олдий одаг бу.
Бир йиғитдан рафиқасига
Жўнатилган ўнинчи хат бу.

Бу гал бироз босдимиз ғафлат,
Ўртада хат ташувчи қушни.
Хотинига ёзилган бу хат,
Онанинг қўлига тушди.

Хотин ўзи билан оворда,
На эр, на хат билан иши йўқ.
Аммо бутун бу кенг дунёда —
Онанидан бахтли киши йўқ.

Бизга ақл ўргатма деманг,
Бир шоирни талба аташиб.
Хат битганда онанингизга ҳам
Ёзиб туринг майли адашиб.

Навоий

Шоҳида
ЮСУПОВА



ЭЗГУЛИК ҚАСРИ

Бир қаср қураман қалбим тубига
Ғиштини меҳрдан, рангини нурдан,
Номини эзгулик атай бегумон,
Ким кўрса яйрасин дилу шуурдан.

Пардаларин номин қўяйин сиҳат,
Ҳамма бўлиб юрсин соғу саломат.
Орзулардан тўшай турфа гиламлар,
Юракда қолмасин армон, аламлар.

Олдиға турфа хил гуллар экаман,
Бу гуллар номини қўяй садоқат.
Садоқат гулларим кўриб инсонлар,
Қалбидан қувилсин ҳасрат, ғам, ғафлат.

Қасримга ҳаммангиз таклиф қиламан.
Келинлар, эзгулик нуриин ичайлик,
Сизлар келасизлар, албат, биламан,
Бирга аҳил бўлиб бахтни кучайлик.

Хоразм

ШАМОЛ

Аччиғи тез шамолжон,
Деворлардан ошасан.
Бир жойда муқим турмай,
Қай томонга шошасан?

Шовқин солиб қўчада
Чанг-тўзонни отасан.
Оёқ-қўлинг йўқ, аммо
Дарахт шохин тортасан.

Биламан, йўқ ватанинг,
Шундан ғамга ботасан.
Унинг бўлса, чангитмай
Маза қилиб ётасан.

Фарғона

Қумуш
ЎСАРОВА



СОҒИНГАНИМ

Излагандим, топдим сендан ифори,
О, менинг Жиззахим, гурурим, фаҳрим.
Мен бир йил кутганим ўша баҳорни
Сен ҳам соғиндингми, онажон шахрим.

Фасллар ўтмоқда бир-бирин қувиб,
Гарчи хафа бўлсанг, дилда доғингман.
Жиззахим, баҳоринг келганда қулиб,
Мен сенинг гулингман, қизғалдоғингман.

Баҳор келса сенга хабар бераман,
Борамиз бобомнинг эски боғига.
Биласан, долани яхши кўраман,
Бир зум кетажакман Зомин тоғига.

Тонгги ҳаво бутун баҳордан дарак,
Тур, уйгон, Жиззахим, жонанжон шахрим.
Гулларни кутгандим бўлиб жонсарақ,
Сен ҳам соғиндингми, онажон шахрим.

Жиззах

Садриддин
ҚАРШИБОВ



ИНТИҚ ЮРАК

Эрта тонг мактабга йўл-бўлар чоғим
Елкамга сумкани тақиб ўтаман.
Минг баҳона билан керилганимча
Ўша дарвозага боқиб ўтаман.

Ҳар куни ҳаёлим ўша ҳовлида
Мактабда, кўчада, ҳатто уйимда.
Шартта боргим келар мардона юриб,
Аммо ичкарига кириш қийинда.

Юрагим ўртанар, ўртанар қалбим,
Ичингда борини данғал айт, дейди.
Ахир ўша ерда ҳаётинг, бахтинг,
Кўрқсанг, бу фикрдан тезроқ қайт, дейди.

Бўлди, мен чарчадим ҳадеб қарашдан,
Уй эгаси тушмаган ачиқ ҳовридан.
Дадан совға қилган кўн-кўк контоқини
Олиб чиққум албат ўша ҳовлидан.

Самарқанд

Дилноза
ТИЛЛАБОВА



ТАЖРИБА

Мурод кучук боласин
Бўлсин дея тошагон.
Улоқтирди туфлисин,
Олдириб келди шу он.

Эрта туриб, ажабо,
Ёқа ушлаб, дейди "Вой!"
Остонада ранг-баранг
Туфлилар ётар бир пой.

Ўз туфлиси ботқоқда
Лойга ботиб турибди.
Кучук эса думини
Ликиллатиб юрибди.

АРИЗА

Яна битта ариза
Мушукларнинг номидан.
Мактубларин йўллабди
Уйимизнинг томидан.
Мош муаллиф: "Сичқонлар
Озиб кетган негидир.
Агар таъриф беришса,
Фақат думга эгдир".
Яна дебди: "Омборда
Сичқон кўп-у, қоллар бўш".
Дон емаган сичқонлар
Қай мушукка ёқар, хўш?!

Тошкент

Раҳматжон
ҚУРҒОН



ТАБАССУМГА ҚАРЗСИЗ...

Уйқудан уйғониб чечаклар унди,
Тонг отди ва лекин ёришмади қун.
Ишқимда андуҳнинг ўроғи синди,
Битта табассумга қарзсиз сиз бутун.

Қуёшга туртиниб кетдимми ёки,
Ножўя айтилган бирор сўз билан.
Сабо аразлаган мендан ҳаттоки,
Пинҳон сир алишар эмиш сиз билан.

Жарангламай қўйди қулгингиз нега,
Эгаллади зулмат оламини бутун.
Ўзгаларга эмас, фақат бир менга
Битта табассумга қарзсиз сиз бутун.

Охулар уялар кипригингиздан,
Қадалар кўксимга навбатма-навбат.
Мубҳам оразингиз фарқ қилмас қуздан,
Ё сизга бегона севги-муҳаббат.

Ўхшайди сув юзи қулгичингизга,
Аммо сув юзи ҳам жилмаймас нечун.
Бундай муқофотга арзimas ўзга,
Битта табассумга қарзсиз сиз бутун.

Сирдарё

Мўътабар
БОЙМАТОВА



НАЖОТ ФАРИШТАСИ

Офтоб қиздирмоқда она заминини,
Деразам ланг очик,
ҳаллослар ҳаво.
Бир қуй янграмоқда олис-олисдан,

Бу қандай маҳзун қуй?
Бу қандай наво?...
Саратон кезади кенгликлар аро,
Дарахтларнинг сўзлашга қолмас мадор.
Бир томчи сувга зор, майсалар интиқ,
Келармикан дея ёмғир ифори.
Умиднинг ранглари синиққан, заҳил,
Сўнгги қадамини пойлар нитиҳо.
Ҳорғин вужуд-ла беун пичирлар,
Қўкка қўлин чўзиб қилар илтижо...

Во дариг,
Қуёшнинг нур лашкаридек,
Нажот малакларини шоиди, қўлда сув,
О, гўзал фаришта, тезроқ югургин,
Қақраган заминнинг юзларини юв.

Қашқадарё

Матлуба
МУМИНОВА



Оқибат ҳукмрон ҳар тўй, базмда,
Жон деб, жонинг ўзиб тутсам дер меҳмон.
Ҳаттоки кексалар турар таъзимда,
Гарчи етти яшар бўлса ҳам меҳмон.

Анджон

ВАТАН

Бу кун деҳқон бобом юзда шуур,
Ерга муҳаббати сочилар тинмай.
Ҳатто гўзалари қафтларин очиб,
Пахталар узатар чаққон келиндай.

Она юрти суви меҳрдан бўвд,
Шу сабаб ҳар ёнда унар меҳрлар.
Ҳатто тупроқлари ризқ тилаб ётар,
Жаннатий ҳавоси қалбини сеҳрлар.

Бу кун ҳаловатлар остонамизга
Бош уриб турибди ману қолай деб.
Бахтлар шуъла сочар ҳар онимизга,
Ватан боғларида гулдек қулай деб.

ТОҒЛАР ЧОРЛАГАНДА

Қанот қоқди қайғу олиста,
Ел шивирлаб айтмоқда ғазал.
Ўхшайман сира ёлғизга
Тоғлар мени чорлаган маҳал.

Тошлар қўшиқ қўлайди дилда,
Тоғлар бўлар яна ҳам гўзал.
Қир жилмаяр гул тутиб қўлда
Тоғлар мени чорлаган маҳал.

Ором берар дилга бодомлар,
Қўйида мен маст бўлдим саҳар.
Гул сочибди йўлга бодомлар
Тоғлар мени чорлаган маҳал.

Гул ҳам тонгда тўкар экан тер,
Ари тўшлар тинмайин асал.
Жим туролмай ёдим янги шеър
Тоғлар мени чорлаган маҳал.

Тошкент вилояти

Сирохиддин
РОБИДОВ



Нозимахон
ТОҶИБОВА



МЕҲМОН

Уйимизга жума кун
Келиб қолди бир меҳмон.
Шу азиз меҳмон учун
Ёзди тўқин дастурхон.

Мен келтириб қанду қурс
Дастурхонни тузатдик.
Сўйиб қовун ва тарвуз,
Ҳурмат билан қузатдик.

«Катта бўлсам, кўрасиз,
Меҳмон бўламан албат» —
Шу ўйда дастурхонга
Қараб қўяр Инобат.

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бошланиши биринчи саҳифада.

Аллоҳга шукроналар бўлсинки, Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин юртимизда мусулмонлар диний маросимларини эмин-эркин адо этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Хусусан, ҳар йили республикамиздан минглаб мўмин-мусулмонлар муборақ ҳаж ибодатини бажариш бахтига муяссар бўлишмоқда. Уларнинг ҳеч қандай қийинчиликсиз ибодатларини адо этиб, соғ-саломат уйларига қайтиши учун зарур имкониятлар муҳайё этилган. Ушбу фазилатли кунларда бутун дунё мўмин-мусулмонлари қатори юртимиздан борган ҳожиларимиз ҳам Аллоҳнинг байтини зиёрат қилмоқдалар. Улар Арафот, Муздалифа, Мино водийларида ҳаж амалларини адо этиб, юртимиз ҳақиқа дуо қилоқдалар. Аллоҳ таоло барча ҳождларнинг амалларини мақбул айлаб, ватанларига улкан савоблар билан қайтишларини насиб этсин.

Бош қомусимиз қабул қилинган куннинг 20 йиллик байрамига ҳам санокли кунлар қолди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида дин ва виждон эркинлиги масалаларига катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз руҳига мос келадиган иймон-этиқат, адлу-инсоф, диёнат, меҳру-оқибат, орномус, ифодат ва ҳаё каби эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, Конституциямизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқароннинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқароларининг миллати, irqи ва динидан қатъий назар тенг ҳуқуқли деб билади. Шунингдек, уларнинг урф-одатлари, миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, диний ташкилотлар ва бирлашмалар қонун олдида тенг-диллар. Инсон эрки дахлсиздир. Бу халқроқ тамоийл бахтимиз қомусида ҳам ўз аксини топган. Мамлакатимизда жаҳон илм-фан ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб аллоҳларимизнинг бебаҳо меросига муносиб ҳурмат кўрсатилмоқда.

Улуғ айёми эл-юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро биродарлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринки руҳ билан қўлиб олаётганимиз янада қувонарлидир.

Қурбон ҳайитини кексаларни зиёрат қилиш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, умуман, байрамнинг кўрқига кўрқ қўшадиган амаллар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, байрам кунларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб фотиҳага бориш бидъат-хурофот амаллардан ҳисобланади.

Ҳайит кунларида беморлар, қарииндош ва ёру дўстларни зиёрат қилиб, дуоларини олайлик, айрим сабаблар туфайли аразлашиб қолган кишилар билан ҳам алоқани тиклайлик. Чунончи, силаи раҳм муқаддас динимиздаги муҳим амаллардан ҳисобланади.

Обод маҳаллаларимизда яшаб, қарилик гаштини сураётган табаррук ёшдаги нуруний отахон ва муниси онахонларимиз, барча юртошларимизни Қурбон ҳайити билан чин дилдан муборакбод этиб, Ватанимизнинг истиқболи порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Аллоҳ таоло юртимизга осойишталик, халқимизга файзу барокот ато этсин! Қурбон ҳайитингиз кутлуг бўлсин азизлар!

Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раисининг ўринбосари

«САҲНА НУТҚИ»

Замонавий театр санъати бадий ифода воситаларига бой. Улар орасида, айниқса, саҳна нутқи катта ўринга эга. Актерлик ихросининг пойдевори ҳисобланган ушбу ижодий унсур ҳақида сўз борганда, аввало, овозни тарбиялаш, уни соғлаш ва йўналтиришдек мураккаб жараён кўз олдинга келади. Зеро, нутқий имкониятлари кенг, сўз сеҳрини теран англайдиган, юксак салоҳиятда қадрлар тайёрлаш осон эмас. Бу йўналишда қилб борилган изланишлар натижасида қатор ўқув қўлланмалари ва монографиялар чоп этилганидан хабарингиз бор. Тажрибали педагог Адиба Носированин «Саҳна нутқи» ўқув дарслиги ҳам ана шундай изланишлар натижасидир.

Этиборли жиҳати, мазкур дарслик театр ижодкорлари билан бир қаторда оммавий байрамларнинг ташкилотчи ва ихрочилири учун ҳам мўлжалланган бўлиб, унда назарий ва амалий тавсиялар жой олган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, қўлланмани яратишда педагог-ижодкорлар М.Уйғур, Е.Бобоқонов, Н.Алиева, Л.Хўжаева, А.Сайфиддинов тажрибаларидан кенг фойдаланилган.

Биринчи бўли «Нутқ техникаси»да артикуляция, диқсия, нафас, овоз ва тўғри талаффуз қилишнинг назарий асослари бағишланган бўлиб, бевосита амалиёт билан уйғунлашади. Унда шеър, монолог, масал, газал, тасвирий шеър каби турли жанрларга оид матнлар устида ишланишнинг сир-асорлари ҳақида сўз юритилади. Бу ўринда муаллиф жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара намуналарига мурожаат қилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, қўлланмада тавсиявий адабиётлар рўйхати келтирилган бўлиб, бу ўқувчи ёшларни соҳа бўйича мустақил изланиш олиб боришига ундайди.

Эркин ФАКИРОВ

Шўро даври эди. Москва ва Токио ўртасида «телекўприк» бўлаётди. Рус ва япон хотин-қизлари ўртасидаги мулоқотда бир рус аёл уларга шундай деб мурожаат қилди:

— Бизда тўрт юзга яқин қариялар уйи бор. Японияда-чи?

Бу саволни берган аёл, афтидан, ўзича мактанмоқчи, мана, ривожланган социалистик мамлакатда қаровчисиз қолган қариялар хор-зор эмас, давлат уларни ўз қарамоғига олган, бировга муҳтож қилиб қўймайди, демокчи бўлди чоғи. Аслида ҳар бир кексаниннг ўз уйини ташлаб, қариялар уйи эшигига келгунга қадар кечган ҳаёти бутун бир фожиа эди. Мени ўшанда саволда тилга олинган рақам ҳайратга солганди. Жавоб эса ундан ҳам зўрроқ ҳайратлангирди: «Японияда қариялар уйи умуман йўқ. Бизда қариялар ўз уйида, фарзандлари бағрида яшашади».

Шундан бери орадан ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Мен китоблардан ўқиб, билганлардан сўраб-суриштириб, Япония ва бу мамлакат одамлари ҳақида анчагина маълумотга эга бўлдим. 1995 йилда «Шарқ юлдузи» журналы тахририятига Япониядан ўзбек тили бўйича икки япон мутахассис келди. Ўзбек тилида равон сўзлайдиган бу йигитлар билан анча суҳбатлашдим.

— Японлар узоқ умр кўриш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бунинг сирини нимада? — деб сурадим улардан.

— Аввало, бизда турмуш даражаси юқори, — дейишди улар. — Кейин биз овқатланиш масаласига катта эътибор берамиз. Аччиқ, шўр, мол ёғи солиб тайёрланган таомларни кам истеъмол қиламиз.

— Сизларга қўшни корейслар қалампирсиз овқат ейишмайди-ку!

— Корейслар бошқа, биз бошқа.

— Сизлардаги яна қандай омиллар умрга умр қўшади?

— Ўзбекларда бўлгани каби бизда ҳам қариялар гоят ҳурмат қилинади, — дейишди улар. — Узоқ умр кўришда бунинг аҳамияти катта. Сизлардаги кексаларга муносабат ҳам бизлардагига ўхшаркан.

Дарҳақиқат, бизда ҳам болани ёшлигиданоқ катталарни, айниқса, ўз ота-онаси, бобоси ва бувисини ҳурмат қилишга ўргатилади. Катталарни ҳурмат қилишга одатланган инсон ўзи ҳам ҳурмат топади. Халқимиз беҳиз сен сийласанг қарингни, элинг сийлар барингни, деган мақолни тўқмаган-да. Диний қадриятларимиз ҳам кексаларни, айниқса, ота-онани азизу муқаррам билишга даъват этади. Ота-онасини ҳурматламаган, уларга қарамаган фарзанддан халқ юз ўғирдади, уни оқладар санайди. Фарзандлари оқил, ота-онасини иззатлайдиган оилаларга одамлар ҳаваас билан қарайдилар, фалончига ўғил-қиздан жуда буюрди-да, бизнинг фарзандларимиз ҳам, илоийм, шу кишининг фарзандларига ўхшасин, деб орзу қиладилар.

Таникли актёр Хусан Шарипов Ўзбекистон ойнаи жаҳоннинг 13-студиясидаги суҳбатда телевидениеда намойиш этилган, вафот этган отани кўимиш беш ўғил фарзанд ўртасида сансалор бўлгани ҳақидаги спектаклни қоралади. «Бу ўзбекка хос иш эмас, уни типик ҳодиса, деб бўлмайди, бундай спектаклларни телеэкранда бермаслик керак», деди санъаткор. Дарҳақиқат, бу

тўғри фикр. Шоли курмакисиз бўлмайди. Ота-онасини қадрламайдиганлар бизда ҳам битта-яримта учраши мумкин. Лекин бу воқеани «пуфлаб» тасвирлаб, бизлар шунақамиз, деган фикрни олға суриш тўғри эмас.

«Суюнчи» филмидаги кампир ва у билан боғлиқ воқеалар эса типик ҳодиса. Шунинг учун ҳам бу филмнинг умри боқий бўлди. Ҳар гал у ТВдан намойиш этилганда, одамлар янги филмни кўраётганда солганди. Жавоб эса ундан ҳам зўрроқ ҳайратлангирди: «Японияда қариялар уйи умуман йўқ. Бизда қариялар ўз уйида, фарзандлари бағрида яшашади».

«Қари бор уйининг зари бор», «Ота-она рози — худо

ХОНАДОН УЛУҒИ, ФАЙЗИ, ИБРАТИ

рози», деган мақолларни халқимиз тўқиган. Ўзбек шоирлари онани, отани маҳд қилиб қанчадан-қанча шеърлар ёзишган. Бу беҳиз эмас, албатта. Ҳўш, инсон нима учун фарзандли бўлишга интилади? Фарзандли бўлишдан мақсад фақат насл қолдириш эмас! Ундай десангиз, ҳайвон ҳам, парранда ҳам насл қолдиради-ку!

Фарзандли бўлишдан мақсад, биринчидан, авлодни давом эттириш, иккинчидан, қариб қувватдан қолган, қўмакка муҳтож пайтда ўзига суянчиқ топиш, ёнида бир пиёла чойни беминнат берадиган, уни оқ ювиб, оқ тарайдиган меҳрибон инсонни кўришдир.

Масалан, дунёнинг илғор халқларидан ҳисобланган инглизларни олайлик. Уларнинг ҳам ибратли томони кўп. Улар боласини ёшликдан мустақилликка ўргатишга ҳаракат қилишди. Бу, ахши, албатта. Аммо боланиннг 16 ёшидан уйидан чиқиб кетиб, мустақил ҳаёт кечирishi, ўз йўлини ўзи топишини маъқуллаб бўлмайди. Таёқнинг икки учи бор, дейишдади. Бола ўн-ўн беш йил ўтган, олий маълумотли бўлиб уйига қайтади. Табиийки, у қайтиб кетишини, ўз шахсий ҳаётини давом эттиришини хоҳлайди. Ота-онасини фақат пасхада ва Янги йилда келиб кўрадиган бўлиб қолади. Болаларни ёшлигидан алоҳида яшашга ўргатганлари боис, ота-оналар кўпинча ўз ҳаётини ёлғиз ўтказадилар, шундай ҳам бўлади-ки, болалари уларни унутиб юборишади.

Халқимиз беҳиз меҳр кўзининг қорачида, деб айтмайди. Фарзандни ёшлик чоғида ўзидан узоқлаштириш, кўп вақт бир-бирларини кўрмаслик уларнинг беғоналашувиға олиб келиши табиий. Шу ўринда ўзбеклар ҳаётининг катта эҳтиром билан ўрганаётган ва халқимиз табиатидаги кўп жиҳатларни эътироф этаётган японияликлар ҳаётига узоқ вақт қўнқариб мамлакатда муҳбирлик қилган, японлар ҳаёти, урф-одатини яхши биладиган журналист В.Овчинников кўзи билан рази солайик. У ўзининг «Сакура шоҳлари» номли китобида шундай ёзади: «Биз шунга ўрганганимизки, оила даврасида одамлар бир-

бирларига бетакаллуф муносабатда бўлишади. Японияда эса айнан оилада катталарни ва юқорида турганларни иззат-ҳурмат қилиш туйғуси чуқур англаб етилган. Бунга гоятда аниқлик билан риёя қилинади. Оиланиннг ҳар бир аъзоси ўзининг аниқ белгиланган ўрни ва мавқеига эга. Иззат-ҳурмат фақат оила бошлиғигагина билдирилмайди. Сингиллар акага мурожаат қилганларидан ҳам, акалар сингилларига мурожаат қилганидан бошқачароқ, яъни янада катта эҳтиром кўрсатиб муомала қилинади. Оила бошлиғининг имтиёзи ҳар қандай шароитда ҳам ҳар кун таъкидланади.

Япониядаги оила тизими, ўзининг махсус вазифасидан ташқари, гоят муҳим яна бир вазифани бажаради: қарилик чоғида оила суғурта муассаса саналади. Оила бошлиғи катта меросхўр — ўғилни оиланиннг бошқа фарзандларидан ажратиб тарбиялайди ва

сайқал топиб келган ва маънавий қадриятга айланган миллий фазилатлари ҳам ҳар қандай миллатни улуғлайдиган умуминсоний моҳиятга эга. Биз миллий анъана ва фазилатларимизни кўз қорачиғидай асраб, ёшларимизнинг руҳий дунёсига тажовуз кўрсатадиган бошқа ёт таъсирлар йўлига қалқон қилиб қўймоғимиз керак. Бу борада мустақиллигимиз шарофати билан юзага келган бекиёс имкониятларнинг қадрига етишда ҳикмат кўп, деб ўйлайман.

Бундан тўрт йил муқаддам Хувринисо опам 84 ёшда вафот этди. Бу опам жуда жигаржонли эди. Ҳаммани йўқлаб, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб юрарди. Мен учун эса опа эмас, иккинчи онадек эдилар. Опамни ҳазиллашиб «генерал кампир» дердик. Ёш болалари билан бева қолган Рухинисо опам Хувринисо опамга қўшни турарди. Хувринисо опам кеч-курун Рухинисо опамникига кириб, останадаги пойафзалларини санар эканлар. Агар пойафзаллар бут бўлса, ҳамма уйда эканини билиб, хотиржам уйлариға қайтарканлар. Мабоодо,



Кексалар иззатда. Фотоэтой

ота оилавий бурч оғирлигини эллик ёшгача кўтаради. Шу вақтдан бошлаб, у ўз ҳукморлиғи ва оила ҳаётининг барча амалий томонларини катта ўғлига топишради, ўзи эса бундан бўёғига ҳеч нарсага фавол аралашмай ҳаётининг қолган қисmini ўзи ва рафикаси билан ташвишсиз ўтказди. Бирок ота ва она оиладаги юқори мартабали ўринларини эгаллаб қолаверадилар.

Агар оилада фарзандлар фақат қизлардан иборат бўлса, ота-оналар улардан бирига ўзларига ўғил бўлишга рози бўладиган қўвни кидириб топишади. Бундай тўйда қўв рафикасининг фамилиясига ўтиш билан бирга, янги ота-онага ўғиллик қилиш бурчларини ҳам зиммасига олади. Япон ҳаёти нафақат ёлғизликни, балки ёлғиз яшашга интилишни ҳам истисно қилади. Ёлғиз қолиш японлар учун энг даҳшатли нарсадир».

Дарҳақиқат, ўзимизда бўлгани каби японларда ҳам жамоа руҳи ниҳоятда кучли экан. Бундай фазилатлари билан улар асаларини эслатишади. Дўстлик фақат шахсий туйғу деб қаралмайди, у кўпроқ жамоавий характерга эга. Улар узоққоқлик билан астойдил меҳнат қилишади. Кейинги юз-юз эллик йил мобайнида Фарб-нинг таъсири Япониянинг қиёфасини бутунлай ўзгартирди, лекин бу таъсир японларнинг қалбига кириб бормайди, улар бу борада ўзлигини бой бермадилар.

Мен бунга таъкидлаб айтмагганим боис шундаки, буюклик миллатнинг ҳар бир қалбига яшайди. Ўзбек халқининг неча минг-минг йиллар мобайнида

остонада пойафзал кам бўлса, ичкарига кириб сингилларини «тергов» қилар эканлар: «Болаларингиз қай бири йўқ?... Нега ёш болани бемаҳалда кўчага чиқарсанг? Бир фалокат бўлиши мумкин-ку, ахир. Бола деган бемаҳалда уйда ўтириши керак. Уларнинг тарбиясига нега бепарво бўласанг?».

Отамиз қариган чоғларида Хувринисо опамга шундай деб танинлаган экан: «Сен фарзандларининг каттасисан. Биздан кейин икки синглинг ва укангдан тез-тез хабар олиб, уларга бошқоқ бўлиб туришинг керак. Катта фарзанд кўприк бўлади, ука ва сингилларингиз қовуштириб, бири-бирига яқинлаштиришинг керак. Мабоодо, сингилларинг ва уканг ёшлик қилишиб, сени ранжитишса, юрагингга оғир олмагин, кечиримли бўлгин. Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Аҳилиқда гап кўп, ёлғизлик эса ёмон нарса».

Биз опамизни ранжитмадик, ҳаммаша у киши билан ҳисоблашиб яшадик. Баъзан йўқлаб боролмай қолсам, «Алиназар, нега кўринмай кетдинг?» деб ўзлари келарди. Тўй-маъракаларимизда бош-қош эди. Ҳозир рафикам Тўлқиной билан опамни ўйлаб, у кишининг дарвозамиздан кириб келишларини кўсайимиз.

Менинг Нефть ва газ қонлари геологияси илмий-тадқиқот институтида ишлайдиган, асли пискентлик Йўлдош Эргашев деган қадрдоним бор. Йўлдош ака геология-минералогия фанлари доктори, профессор. Икки йил аввал ҳажга бориб, ҳозир тўқсон

ёшни қоралаган онасини ҳожибадол қилиб қайтди.

— Биз отадан саккиз фарзандимиз, — деб ҳикоя қилади Йўлдош ака. — Отамиз уруш ноғирони эди, шу боис ҳаётдан анча эрта кўз юмди. Онамизнинг гоятда ҳурматлайимиз. Ташкентга — бизникига келса, тез зерикиб қолади.

Оила — эл-юрт таянчи

Пискентни, у ердаги набиралари ва фарзандлари, қўшниларини соғиниб қолади. У ерда кенжа фарзандлари билан туради. Кексалик натижасидир, онамизнинг оёқлари оғрийдиган бўлиб қолган. Ҳар йили бир марта шафохонада даволатамиз, бир марта санаторийга юборамиз. Пойтахтда яшаганим боис, зарур доридармонларни етказиб беришни мен зиммамга олганман. Қандай дори керак бўлса, укам кўнгирак қилади, мен топиб Пискентга етказаман.

Дарҳақиқат, Йўлдош ака бўш бўлди дегунча Пискентга, онамизни ҳузурига ошиқади. Мен ўзимча онахоннинг узоқ умр кўришида фарзандларининг оқиллиги ва меҳрибонлигининг ҳам аҳамияти катта, деб ўйлайман. «Иззат-ҳурмат — ота-онани, шу қаторда болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир, ота-онани у қулфатдан ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради», деган атоқли француз ёзувчиси О.Бальзак.

Лутфулла Ҳамроев деган кекса журналист қадрдоним бўларди. Шу киши бир кун менга отаси ҳақида ҳикоя қилиб берди: «Отам кечки пайт ишдан қайтарди-да, таомни еб уйда чой ичмасди, чойни чойхонада ичаман дерди. «Нега чойхонада ичмасиз?» десак, «Шу баҳона маҳаллада нима гап, нима сўз бохабар бўлган. Шунга қараб эртанги ҳаётимни режалаштириман», дер эдилар».

Гузардаги чойхона ахборот айирбошланадиган маскан ҳисобланади. Маҳалла одамлари шу жойларда бир-бирдан бохабар бўлиб, бемор бўлганлар ахволдан воқиф бўлишади, ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашади. Мана шунинг учун ҳам истиқлол йилларида халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш баробарида маҳалланиннг ижтимоий ҳаёт тарзимиздаги аҳамиятига катта баҳо берилди, маҳаллаларнинг жамиятдаги мақоми янада юксалди.

Зеро, халқимиз оила мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида яратган ўзига ҳос мезонлар, кексалар ва аёлларни қадрлаш, фарзанд тарбиясига доир бекиёс удум ва тажрибаларимиз бевосита маҳалла муҳитида шаклланади ва амалда бўлади. Мустақил тараққиёт ва миллий давлатчилигимиз тарихида ҳар бири бекиёс ўз қолдираётган йилларнинг Юртбошимиз ташаббуси билан «Қарияларни қадрлаш йили», «Аёллар йили», «Мустаҳкам оила йили» каби сермазмун номлар билан аталаётгани ҳам улуғ мақсадларимизни ифода этади. Бу йилларнинг ҳар бири ҳаёт тарзимиз, миллий анъаналаримиз, халқимизнинг беназир урф-одатларини янада эъзозлаш ва ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингирдириб боришдек эзгу ва олижаноб ниятларга ҳамоҳанглиги билан муайян изчиллик касб этади ва яратилаётган буюк келажакка асос-пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

Доанаи ҳанроҳ

Носированин «Саҳна нутқи» ўқув дарслиги ҳам ана шундай изланишлар натижасидир.

Этиборли жиҳати, мазкур дарслик театр ижодкорлари билан бир қаторда оммавий байрамларнинг ташкилотчи ва ихрочилири учун ҳам мўлжалланган бўлиб, унда назарий ва амалий тавсиялар жой олган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, қўлланмани яратишда педагог-ижодкорлар М.Уйғур, Е.Бобоқонов, Н.Алиева, Л.Хўжаева, А.Сайфиддинов тажрибаларидан кенг фойдаланилган.

Биринчи бўли «Нутқ техникаси»да артикуляция, диқсия, нафас, овоз ва тўғри талаффуз қилишнинг назарий асослари бағишланган бўлиб, бевосита амалиёт билан уйғунлашади. Унда шеър, монолог, масал, газал, тасвирий шеър каби турли жанрларга оид матнлар устида ишланишнинг сир-асорлари ҳақида сўз юритилади. Бу ўринда муаллиф жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара намуналарига мурожаат қилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, қўлланмада тавсиявий адабиётлар рўйхати келтирилган бўлиб, бу ўқувчи ёшларни соҳа бўйича мустақил изланиш олиб боришига ундайди.

Эркин ФАКИРОВ

Ўзбек давлатчилиги тарихига мустақиллик учун кураш даври сифатида муҳрланган ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири ва тўқсонинчи йиллари боши халқимиз қаддини тиклаш ва миллий тилимиз нуфузини ошириш борасида қўйилган қутлуг қадамлар билан унутилмасдир. Хусусан, ана шу миллий курашнинг илк самараси сифатида ўзбек

лимининг давлат тили сифатида қўлланиш қўлами янада кенгайди, қатор изоҳли ҳамда икки ва ҳатто уч тили луғатлар чоп этилди. Давлат муассасаларининг расмий ёзув тили сифатида ўзбек тилининг нуфузи ошди. Ўзбек тилидаги китоблар ва бадий асарлар кўп минглаб нусхаларда чоп этилаётди. Халқимиз ҳар йилнинг 21 октябрини Ўзбек тили байрами сифатида

ТИП — МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

тиги давлат тили мақоми берилгани чинакам тарихий воқеа бўлган эди. Бунга қадар эса, сўз бойлиги ва бошқа бекиёс имкониятлари билан жаҳоннинг энг гўзал тилиларидан ҳисобланган она тилимизнинг қўлланиш доираси собиқ тузум таъзиқи билан ниҳоятда чекланиб қолган эди.

1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун миллий тилимизнигина эмас, шу билан бир қаторда халқимизнинг қадрини ҳам кўтарди, мустақиллик учун кураш амалий тус олди. Истиқлол йилларида эса она ти-

кенг нишонлайди. Кун кеча Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати институти талабалари иштирокида бўлиб ўтган тадбир ҳам шу санага бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири, шоир Саъдулла Ҳаким, Ўзбекистон халқ артистлари Ёдгор Саъдиев, Мухаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Ҳожиакбар Комилов,

Маҳмуд Исмоилов, Шоҳида Исмоилова, Мадина Мухторова ва бошқа санъаткорлар сўзга чиқиб, тил юксак маънавият ҳазинаси эканлиги, бу ҳазинани эл севган моҳир ёзувчи ва шоирлар, улар яратган бадий юксак асарлар бойитиб бориши, миллатимиз фарзандлари, барча зиёлилар эса тилимизнинг қадри ҳақида юксак бўлиши учун жон қийдириши зарурлиги ҳақида сўзладилар. Ўзбек тилининг бекиёс бойлиги ва теран имкониятларини намоён этувчи гўзал ташбеҳлар, чуқур маъно ва мазмунга эга мақоллар, нақллар, оҳорини йўқотмайдиган боқий сўз ва бирикмаларнинг аҳамиятига эътибор қаратилди.

Ўзига хос тил байрамига айланган тадбирда шоирлар қўллаб янги шеърларини ўқиб бердилар, санъаткорлар эса «Алишер Навоий» ва «Юлдузли тунлар» спектаклларидан парча ижро этишди. Тадбир сўнгига Миллий театримиз томонидан санхалаштирилган «Имкон» спектакли намоийш этилди.

Бу йилги «Олтин гепард» иккинчи халқаро Тошкент кино-форуми танлов дастурида бадий филмлардан ташқари 11 та қисқа метраж ва 10 та анимацион филм намойиш этилди. Хайъат қарорига кўра хорватиялик режиссёр Велжко Поповичнинг «Қаердасан, севгилим?» филми «Энг яхши анимацион филм» деб эътироф этилди.



ЯШИРИН УЙҒУНЛИК ОШКОРАСИДАН КУЧДИРОҚ

Мазкур лирик картинада ҳали ҳам ўзини қалб-бан ёш қиз деб ҳис қилиб юрган кекса аёл ҳақида ҳикоя қилинади. Филм ёлғизлик, асар қаҳрамони бир замонлар куйланган ашулани эшитган заҳоти кўз ўнгиде жонланадиган ёшлик даври ҳақида. Режиссёр ҳаётнинг туссиз кўри-нишлари билан аёлнинг хотирасида қайта акс этган гўзал манзараларни моҳирона қарама-қарши қўяди.

Иккита анимацион картина махсус дипломга сазовар бўлди. Ижтимоий муаммони юмористик усулда маҳорат билан ифода қилиб билгани учун «Оқ йўл» филми муаллифи швейцариялик режиссёр Фабио Фри-ли тақдирланди. Асар-да Европада паноҳ то-пишни оруз қилган муҳожира-ларнинг кўрган-ке-чирганлари, бошдан ўтказган оғир кўргиликлари юмор руҳида ҳикоя қилинади. Шуниси му-ҳимки, оддий қаламдан яралган мўъжиза залга йиғилган томошабинлар қалбини забт этди. Филм ижодкорлари асарнинг сюжет чизигини босқичма-босқич, кадрдан-кадрга, бир кўриниш-дан иккинчисига жуда катта маҳорат билан да-

ладиган ногирон йигит. Бир куни унинг қаршисида ўтирган одам автобусни портлат-моқчи бўлади. Энг қизиғи, у автобусдаги ҳамма одам қочиб кетгунча ҳам бомбани портлатмай-ди. Экранда бўм-бўш автобус ичида икки киши — ногирон йигит ва террорчи суҳбати берила-ди. Суҳбат асосида террорчи бомба беш дақиқа ичида портлашини айтади. Бирок тер-рорчининг ўзи ногирон йигитни кутқариб қола-ди... Халқаро экстремизм ва терроризм муаммосига бағишланган «Автобус» картинаси чўқур фалсафий мазмунга эга. Томошабини фикрлашга, мушоҳадага ундовчи мазкур асар долзарб мавзудаги филм сифатида муко-фотга сазовар бўлди.

Инсон драматини поэтик акс эттиргани учун дипломга сазовар бўлган «Денгиз бўриси» филми қаҳрамони ҳақиқий денгиз бўриси. Ўз денгизига содиқ бу одамнинг ишон-чини ҳеч нарса сўндирилмайди. У қачонлар-дир денгиз яна тўлиб мавжланишига ишона-ди ва ҳар куни унинг кемаси сўнгги бор лан-гарини ташлаган жойга қалади.

Афсуски, бир куни кемани темир-терса-ка топириш учун келган одамларга дуч ке-лади. Қария илгариги даврни қайтариб бўлмаслигини тушуниб этади. Балиқ овидан қайтган невараси ёнаётган кемани кўриб, бобосини ҳам ёниб кетган деб ўйлайди. Бирок кема ортидан чиқиб келган бобосининг қиёфасини кўрган бола хотир-жам бўлади, унда эртанинг яхши бўлишига ишонч уйғонади.

Иккита қисқа метражли филм билан тан-ловда қатнашган юртимиз кино ижодкор-ларининг филмлари, гарчи тақдирланма-ган бўлса-да, уларда ҳам томошабини мушоҳадага чорловчи жиҳатлар кам эмас. Режиссёр Сабина Сагадеевнинг «Сандик» филмида оила, катталарни ҳурмат қилиш ва уларга ғамхўрлик каби азалий мавзу акс эттирилган.

Абдухалил Мингноровнинг «Ховуз» картинаси қаҳрамони меҳнат қилиб кун кечираётган ўрта ёшлардаги оддий тракторчи йигит. Бирок «би-ринчи муҳаббати»нинг қайтиб келиши унинг тинч ҳаётини ости-устун қилиб юборади. Эрини хи-ёнатда айблаган хотини уни уйдан ҳайдайди... Бирок вақт ўтиши билан ҳаммаси изга тушиб, филм қаҳрамони осуда ҳаётига қайтади. «Ховуз» ҳар қандай кўйинчиликларни енгиб ўтишга қодир бўлган оила қадриятлари ва ҳақиқий муҳаббат-нинг куч-қудрати ҳақидаги филм.

Ҳар икки филмда ҳам илгари кўп марта му-рожаат қилинган, аксарият режиссёрларимиз ишларида хос мавзулар ёритилган, яъни мавзу доираси тор бўлиб қолган. Бугун инсониятни жиддий ташвишга солаётган долзарб мавзулар ёритилган асарларга эҳтиёж катта. Ижодкорла-римиз буни эътиборга олишлари лозим, деб ўйлаймиз.

Шуниси эътиборга лойиқки, аксарият филм-лар қисқа метражли эканига қарамай, сюжетнинг долзарблиги, қизиқлиги суратга олингани билан томошабини ўзига торти-ди. «XXI аср цивилизацияси: маданиятлар диало-ги» шiori остида ўтган бу йилги кинофорумга қадимги грек фйласуфи Гераклитнинг «Яширин уйғунлик ошкорасидан кучи-роқ» деган ибораси қанотли жумла бўлди. Агар эътибор берсак, фестивалда намойиш этилган ҳар бир картина айнан шундай уйғунликка эришиш йўлидаги изланишдир.

Элеонора ҒАНИЕВА,
Санъатшунослик институти тадқиқотчиси

Мактабни тугатган Светлана ота-онаси маслаҳати билан Тошкент пе-дагогика институтига ўқишга кирди. Бирок актриса бўлишни жуда ҳам оруз қилган қиз бир йилдан сўнг Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг кечки бўлимига ҳужжат топширди. Шу тариқа тиришқоқ қиз иккита институтни ҳам муваффақиятлан яқунлади.

Шундан сўнг С.Муродхўжаева танлов асосида «Ўзбекфилм» киностудиясига ишга қабул қилинди. Бирданига бир нечта филмда эпизодик роллар ижро этди, дуб-ляжда баъзи филмларга овоз берди. Ай-нан шу йили «Ўзбекфилм» киностудияси қрошида мулфилм цехи очилди. Бир йил-дан сўнг Д.Салимов ва Ю.Петровнинг «6х6 квадрат-да» номили биринчи анима-цион кўғирчоқ филми яра-тилди, 1969 йили эса «Ботир чумчуқ» номили илк суратли мулфилм дунёга келди. Асо-сий қаҳрамонга Светлана Муродхўжаева овоз берди. Ушандан бошлаб уни барча ўзбек мулфилмларида ва дубляж қилин-ган мулфилмларда қаҳрамонларга овоз беришга тақлиф қиладилар.

Ўзбек анимацион киноси туғилишида бевосита қатнашган, унинг шаклланиши ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб ке-лаётган С.Муродхўжаева «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланган. Эллик йилдан ортиқ ижо-дий фаолияти давомида турли жанрлар-даги филмларга овоз бериш билан бир-га, режиссёр сифатида қирқдан ортиқ филмни суратга олди. Улар орасида мух-лислар ва мутахассислар эътирофига са-зовор бўлган «Сехрли кийик», «Ўзвйлик», «Тўмарис», «Зардўз», «Гуллар қўшиғи», «Ташбақа», «Лолалар ҳақида куй», «Кувноқ ёмғир», «Сехрли анорлар», «Болалар қан-дай қилиб сувни қайтардилар» (А.Ивлиев ҳамкорлигида) каби картиналар бор. Ре-жиссёрнинг юртимиз тарихий шахслари-га бағишланган туркум картиналари ҳам ўзбек киноси хазинасидан муносиб жой олди. Энг қизиғи, С.Муродхўжаева акса-рият филмларида ҳам режиссёр, ҳам сце-нарийнавис сифатида қатнашади, кўпла-рида асосий қаҳрамонларга овоз беради.

— Мулфилмларнинг нафақат болалар, балки ёши улуглар учун ҳам тарбиявий касб этади. Картинани кўрган жажжи то-мошабин қалбиде Спитамен қиёфаси муҳ-рланиб қолиши, шубҳасиз.

Сўнгги йилларда санъатнинг бошқа со-ҳаларида бўлгани каби мультипликация соҳасида ҳам кўплаб ёш режиссёрлар ети-шиб чиқмоқда. Шулардан бири С.Мурод-хўжаеванинг шогирди — рассом ва режис-сёр-аниматор Дмитрий Власовдир. У иш-лаган «Кулол» мулфилми Техронда ўтган халқаро анимацион филмлар фестивали-да олтин медал билан тақдирланди.

— Одам лойдан мўъжизалар яратишга қодир, — дейди устоз. — Асар сюжетига кўра кулол урушда қўлидан ажралган. Филмни яратишдан асосий мақсад одам-ларни маънан ва жисмонан мажруҳ қилув-

аҳамияти жуда катта, — дейди Светлана Қодировна. — Ўтган йили «Спитамен» номили мулфилмнинг экранларга чиқ-ди. Бу асар болаларда мардлик, жа-сурлик хислатларини тарбиялашда, уларда она Ватанга муҳаббат ва садоқат хиссини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият

БОЛА БЎЛИБ ИЖОД ҚИЛИШ СУРУРИ



касб этади. Картинани кўрган жажжи то-мошабин қалбиде Спитамен қиёфаси муҳ-рланиб қолиши, шубҳасиз.

Сўнгги йилларда санъатнинг бошқа со-ҳаларида бўлгани каби мультипликация соҳасида ҳам кўплаб ёш режиссёрлар ети-шиб чиқмоқда. Шулардан бири С.Мурод-хўжаеванинг шогирди — рассом ва режис-сёр-аниматор Дмитрий Власовдир. У иш-лаган «Кулол» мулфилми Техронда ўтган халқаро анимацион филмлар фестивали-да олтин медал билан тақдирланди.

— Одам лойдан мўъжизалар яратишга қодир, — дейди устоз. — Асар сюжетига кўра кулол урушда қўлидан ажралган. Филмни яратишдан асосий мақсад одам-ларни маънан ва жисмонан мажруҳ қилув-

чи урушларга йўл қўймасликка, тинч-осойишта, дўстликда яшашга даъват қилишдир. Умуман, Диманинг картинала-ри ёрқин бўёқлари, фалсафий йўналиши билан ажралиб туради. Анимацион кино-га кўпроқ ана шундай ёшлар кириб кели-шини истардим.

Кези келганда айтиш лозимки, аксари-ят ёш режиссёрлар бадий кинога ўтиб

Санъатимиз филофиллари

кеттишяпти. Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Лекин бор-йўғи ўн дақиқа давом этадиган битта мул-филмни суратга олиш учун ўн ойлаб изланиш ҳаёқлиги ҳама ҳам билавер-маса керак. Бугун кино са-ноати компютерлашиб, кундан-кунга такомиллашиб бораётган бир даврда ҳам

мулфилм яратиш ана шундай машаққат-ли жараён бўлиб қолмоқда. Бизнинг ре-жиссёрларимиз ҳам аллақачон суратга олишнинг юксак технологияларига ўтиш-ган. Шунга қарамай, мутахассисларнинг айтишича, мулфилм қаҳрамонларининг ҳар бир ҳаракатини ўз ўрнига қўйиш жуда кўп вақт олади.

— Шу сабабли, мультипликатор бўлиш учун қизиқишнинг ўзи камлик қилади, — дейди Светлана Қодировна. — Бу соҳа ижодкордан айрича жонбозлик, ўз ишига садоқатни талаб этади. Бирок муваффа-қиятнинг асоси мулфилм устида ишла-ётган ижодий гуруҳнинг болаларга чўқур муҳаббатидир. Бизнинг соҳада болани се-виш ва бола бўлиб ижод қилиш муҳим.

Дарҳақиқат, С.Муродхўжаева узоқ йил-лардан буйн ўзининг жангдор овози ва сермазун мулфилмлари билан нафақат болаларни, балки катталарни ҳам ҳушуд этиб келмоқда. Санъаткор кино соҳасида-ги хизматлари учун мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Президентимиз фармониюга кўра «Меҳнат шuhrати» орде-ни билан тақдирланди. Бундай юксак эътироф, шубҳасиз, Светлана Муродхўжа-еванинг янги ижодий режаларига қанот бағишлайди.

Илмира ЗАЙНУТДИНОВА

Аждодлар ёди

Сурхондарё вилоятида ихти-сослаштирилган санъат-интер-нат мактабиде ватандошлари-миз — мусаввир ва шоир Мир Саид Али, унинг беназир мўйка-лам соҳиби бўлган отаси Мир Мусаввир ижоди ҳамда фаоли-

бўлган, Жудой тахаллуси билан шеърлар ёзган. Н.Норматовнинг маълумот беришича, бугунги кун-да Мир Саид Али замонида ёзиб қолдирилган улуг мусаввир ҳақида маълумот берувчи манба, яъни «Нафoис ул-маoсoир» («Яхши амаллар фазилатлари») таъкира-сининг учта форсий аслият ва бит-та ўзбекча таржима қўлёзмаси

ОТА ВА ЎИЛ МУСАВВИР

ятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Уларнинг серкирра фаоли-яти, ҳаёти ва ижодий мероси доираси тор бўлиб қолган. Бугун инсониятни жиддий ташвишга солаётган долзарб мавзулар ёритилган асарларга эҳтиёж катта. Ижодкорла-римиз буни эътиборга олишлари лозим, деб ўйлаймиз.

Шуниси эътиборга лойиқки, аксарият филм-лар қисқа метражли эканига қарамай, сюжетнинг долзарблиги, қизиқлиги суратга олингани билан томошабини ўзига торти-ди. «XXI аср цивилизацияси: маданиятлар диало-ги» шiori остида ўтган бу йилги кинофорумга қадимги грек фйласуфи Гераклитнинг «Яширин уйғунлик ошкорасидан кучи-роқ» деган ибораси қанотли жумла бўлди. Агар эътибор берсак, фестивалда намойиш этилган ҳар бир картина айнан шундай уйғунликка эришиш йўлидаги изланишдир.

Ҳар икки филмда ҳам илгари кўп марта му-рожаат қилинган, аксарият режиссёрларимиз ишларида хос мавзулар ёритилган, яъни мавзу доираси тор бўлиб қолган. Бугун инсониятни жиддий ташвишга солаётган долзарб мавзулар ёритилган асарларга эҳтиёж катта. Ижодкорла-римиз буни эътиборга олишлари лозим, деб ўйлаймиз.

Элеонора ҒАНИЕВА,
Санъатшунослик институти тадқиқотчиси

Ўзбекистон Фанлар академияси-нинг Абу Райхон Беруний номи-даги Шарқшунослик институтиде сақланмоқда. Ўз даврида Мир Му-саввир (мусаввирлар амири де-ган юксак унвон) номи билан шуҳ-рат қозонган Мир Мансур ҳақида эса Акбаршоҳнинг вазири Абул Фазл ўзининг «Акбарнома» кито-биде илиқ сўзлар ёзиб қолдирган. Ҳозирги кунда Мир Саид Али ме-росининг бир қисми — олтишта асари Австриянинг Вена шаҳри-даги «Индастрэл» музейиде ва йигирма бешта асари Жанубий Кенсингтондаги «Викториа энд Альбер» музейиде, шунингдек бошқа шаҳарлардаги музейлар-да сақланмоқда.

Ҳусайнбек НОДИР

УЧРАШУВ

Томчида акс этган қуёш, чексиз самога туташиб кетган йўллар, дарактаг сунган мунис онахон, мусиқа оҳангига жўр бўлаётган фaсoл, сўвнинг тиниқ саҳнига гўлбарглари-ни назокат билан ёйган нилуфар гули...

Бундай ҳайратланарли гўзал манзарага Жаҳон тиллари университетий халқаро журналистика факультетиде ташкил этилган кўргазмада гувоҳ бўласиз. Факултетде кўргазма муаллифи, таниқли фотосуратчи, «Шуҳрат» медали соҳи-би Абдуғани Жумаев билан ижодий учрашув ўтказилди.

А.Жумаев 1999 йили профессионал фотосуратчилар ора-сидаги танловда «Йилнинг фото устаси», 2001 йили «Ватан қиёфаси» туркум ишлари учун «Энг улуг, энг азиз» танлови голиби, 2002 йили «Йилнинг энг яхши журналисти» бўлган.

Кейинги ўн йил ичида А.Жумаев Япония, Жанубий Ко-рея, Хитой, Мўғулистон, Ҳиндистонда шахсий кўргазма-ларни намойиш этди, нуфузли фотоалбомлар муаллифи бўлди.

Учрашувда фоторассом журналистиканинг завқи ва машаққатлари, юқори малакали миллий фотожурналист-ларни тайёрлаш зарурати хусусида сўзлади. «Бизда та-биятнинг содда ранглари, неқбин туйғулар силсиласи акс этган ниҳоятда гўзал, ҳали «кашф этилмаган» маконлар борки, уларни фотоасарларимга муҳрлашга интиламан», — дейди у.

Абдуғани Жумаев учун «Ижодда ватан ва юрак бир-ламчидир» деган шиор бош мезон. У Ватан ичра нимаики қадрили ва азиз бўлса, уни қидириб, излаб топади, фақат ўзига хос услубда суратларга муҳрлайди.

Одина КУЛМУРОВА,
талаба

«МОНА ЛИЗА»НИНГ ИЛК НУСХАСИ

Беш асрдан буйн дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётган Леонар-до да Винчининг «Мона Лиза» кар-тинаси атрофидеги баҳс-муноза-ралар ҳамон давом этмоқда. Маъ-лумки, узоқ йиллар мобайнида картинанинг номланиши кўплаб



тортишувларга сабаб бўлаётган эди. Навбатдаги янгилик ҳам санъат илхосмандларини бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Швейцария-нинг Женева шаҳрида машҳур кар-тинанинг яна бир нусхаси топи-лди. Бу хабарни «Мона Лиза» жам-гармаси мутахассислари ҳам рас-ман тасдиқлади. Уларнинг айти-шича, асар Луврда сақланаётган

нусхадан ўн беш йил олдин яра-тилган бўлиб, «Айзелуор Мона Лизаси» деб номланади.

Буюк рассом қаламига мансуб картина портрет жанрида бўли-шига қарамай, Лувр «Мона Лиза»-сининг кўчирмаси эмас. Картина-да тасвирланган аёл ёши, ёркин табассуми билан ажралиб тура-ди. Тахминларга кўра «Айзелуор Мона Лизаси» машҳур «Мона Лиза» картинасининг илк нусхаси бўлиши мумкин.

ЛОНДОН ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ

Сўнгги йилларда «Оскар», «Кан», «Олтин шер» танловлари билан жи-дий равишда рақобатлашаётган Лон-дон халқаро кинофестивалининг ну-фузи тобора ошиб бораётир. Бу йил эллик олтинчи маротаба ўтказилган танлов голибларини тақдирлаш ма-росими машҳур Уайтхолл қасрида бўлиб ўтди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, фестивалнинг бош соврини «Занг ва суюк» картинаси режис-сёри Жак Одиарга насиб этди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, фран-циялик кино устаси учун бу Лон-дон фестивалидаги иккинчи гала-ба ҳисобланади. 2009 йили режис-сёр «Авлиё» филми учун олий му-кофотга сазовор бўлган эди. Энг

яхши дебютант филм сифатида америкалик режиссёр Бен Зейт-линнинг «Жилванмаган жануб» картинаси эътироф этилган бўлса, ҳужжатли кино йўналишида Алекс Гиббинг «Менинг энг катта хато-им» филми бош совринга лойиқ топилди. Бундан ташқари, Брита-ния киноси ривожига қўшган ҳис-саси учун Тим Бертон ҳамда Хе-лене Бонэм фaҳрий мукофотлар билан тақдирланишди.

ҒАРОЙИБ КЎРГАЗМА

Пуэрто-Риконинг Сан-Хуан шаҳ-рида ғаройиб кўргазма иш бош-лади. Унинг одатий кўргазмалар-да фарқи шундаки, барча ижод намуналари экспозиция майдон-



Етти ранг

ларида эмас, балки шаҳар девор-ларида намойиш этилмоқда. Тад-бир шартларига кўра, рассомлар шаҳардаги бино деворларидан бирини танлаб, унда ўз асарлари-ни чизишган.

Бундай ноанъанавий кўргазма илк бора ташкил этилаётган бўлишига қарамай, унда Европа, Осиё мамла-каларидан таъриф буюрган кўплаб маҳобатли рангтаъсир усталари иштирок этди. Айнқс, исанялик ёш рассом Арузининг фалсафий мав-зудаги деворий сурати томошабин-ларни ҳайратга солди. Мўйқалам соҳиби неандертал одам қиёфаси-да долзарб маънавий муаммоларга мурожаат қилади.

Кўргазма ҳали ўз ишини яқунла-маган бўлса-да, кейинги асарлар намойишида иштирок этувчи рас-сомларни саралаб олиш аллақачон бошланган. Тадбир ташкилотчилари-нинг таъкидлашича, кўргазма бундан буйн мунтазам ўтказиб борилади.

ХАЛҚАРО САУНДТРЕК ФЕСТИВАЛИ

Замонавий кино санъатини муси-қасиз тасаввур қилиш қийин. Саба-би, филмлар учун махсус яратила-



ётган саундтреклар бугун кино санъ-атининг алоҳида унсури сифатида баҳоланмоқда. Бунинг исботини Белгиянинг Гент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро саундтрек қўшиқлар фестивали мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бутунжаҳон саундтрек киноакаде-мияси томонидан ўтказилган ушбу тадбирда йилнинг энг яхши саунд-трек муаллифлари тақдирланди. «Йилнинг энг яхши композитори» йўналишида «Рухоний», «Айғоқчи» каби бадий филмларнинг мусиқа устаси Алберто Иглесиас бош совринни қўлга киритди. Шунингдек, ижодкор «Энг оригинал саундтрек» номинациясида ҳам голиб бўлди. «Йилнинг энг яхши қўшиқ муаллифи» йўналишида Брайан Бирн, «Томоша-бинлар меҳрини қозонган энг яхши

саундтрек» номинациясида эса «Биз муҳаббатга ишонамиз» филми ком-позитори Абел Корженевски голиб деб топилди.

КИНО ВА ЭЛЕКТРОН ДАСТУРЛАР

Яқин келажақда бадий филмлар-га баҳо бериш билан замонавий электрон дастурлар шуғулланиши мумкин. Дунёга машҳур «Apple» ко-мпанияси ана шундай дастурларнинг илк намуналаридан бирини тақдим этди. Ушбу электрон хизмат «Apple» ишлаб чиқарган «iOS 6» уяли алоқа тизими таркибига киритилган бўлиб, ундан истаган одам фойдаланиши мумкин.

Тўғри, ҳозирча янги дастур филм-ларни тўлақонли таҳлил қилиш им-кониятини бермайди. Бирок кашфи-ётни мукамаллаштириш борасида-ги изланишлар бошлаб юборилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу да-стур кино санъатида ўзига хос бури-лиш ясаши мумкин. Бординг, дунё-нинг йирик киностудиялари мазкур электрон хизматдан фойдаланиши розилик билдирадиган бўлса, у ҳолда Голливуд ва Болливудда суратга оли-наётган ҳар бир бадий филмга баҳо бериш имкони пайдо бўлади.

Интернет маълумотлари
асосида тайёрланди.

Борис ПАК

ХАЙРАТЛАРГА ЧУЛГАР ҲАР МАЙСА

Борис Пак 1932 йили Санкт-Петербург шаҳрида таваллуд топган. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда ўсиб-ўлғайган шоир 1974 йили Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтини битириб, қўлаб газетта таҳририятлари ва адабий нашриётларда фаолият олиб борди. 1956 йили «Звезда Востока» журналида дастлабки шеърларини эълон қилган Борис Пакнинг кейинчалик катталарга ва болаларга аталган «Оққуш юлдузи», «Мовий арк», «Зуптурум», «Чўпчаким чўпчак» каби ўндан ортиқ китоблари босилиб чиқди. Унинг қўлаб асарлари ўзбек ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинган, шеърларига қўшиқлар ёзилган.



БУХОРО ҚОВУНИ

Бир мўъжиза кўрдим-у бутун
Хайратларга қўмилдим бутун:
Тарозига сариқ, думалоқ,
Иссиқ қўёш қўнди-я шундоқ!
— Қовуни шу? Ростдан қовуни? —
Дедим бехос уялиб қиздек.
— Ҳа, «Амири» деган қовун бу! —
Жавоб берди миришқор ўзбек.
Сўнгра эгма пичоғи билан
Бўлди уни яримойларга,
Тилимларни узатди бирдан
Мен ва қулиб турган «ой»ларга.
Ўлай агар, шу қадар ширин,
Асалдан ҳам ўтарди таъми.
Ким айтади бетакдор сирин —
Қандай битар буларнинг жами?
Кўларимда акс этди, чоғи,
Кўнглим сўроғи,
Дехқон деди: — Бунинг ватани —
Бухоронинг қутлуг тупроғи!

ШУНДАЙ БИР
ТУПРОҚ БОРИ!

Шундай бир тупроқ бор:
шудринлар — маржон,
Янғроқ қўшиқ билан турар мовий тонг.
Шундай далалар бор, пичанзор, сайхон,
Қуйлаворнинг келар, қалбинг қолиб тонг.

Сени хайратларга чулғар ҳар майса,
Кўзинг олар кўкдан оппоқ булутлар.
У ердан олисда қолганда эса,
Сени соғинтириб чорлар бу юртлар.

Шундай бир тупроқ бор: илҳомбахш, ўйчан,
Унга тирноқча гард юқтиринг келмас.
Шундай бир тупроқ бор, Ҳақ ато этган.
У — ватан, ҳеч нима унга тенг эмас!

Бир телба қўёшга ўчмоқчи бўлиб
Қуйдириб олибди қанотларини.
Бир телба қўёшни ичмоқчи бўлиб,
Қуйдириб олибди дудокларини.

Дунёда телбалар қўлдири хилма-хил,
Барини жалб этар сеҳрлар қўёш.
Дунёда телбалар қўлдири хилма-хил,
Қўёш улар учун оҳанрабо тош.

Мен телба эмасман қўёшга ошиқ,
Билгим келар ернинг табиий кучин.
Унга боргим келар мен ҳаллар ошиб,
Қўёшли қўшиқлар ёзмоқчи учун.

Севаман жавзонинг кечаларини,
Тонггача тентираб кайфим ошад.
Тутаман юлдузнинг қанчаларини,
Сўнг бирдан қарасам, тонг ёришад.

Баҳорки ўтаркан юзиниға кулса,
Қуйлашга шай бўлса жамикки олам,
Олис-олисларга оҳанг таралса
Шақсиз яхши бўлиб кетаркан одам.
Қуйла, қалб! Юрагим, қуйла ва гулла!
Эҳ, бутун қандай тун бўлди-я олгин!
Кўкракдан отилиб чиқсин куй янграб,
Қўрган ҳар бир киши ҳавасга толсин!

ЮЛДУЗ ОҚҚУШИ

Оҳ, ойнинг ўроғи билан шу бутун
Кўкнинг бир қисмини ўриб олсайдим,
Бир юлдуз тўпини «Оққуш» деб атаб
Совға қилар эдим сента, севгилим!
Сен эса жимжитсан, жимлик ҳукмрон,
Зулматнинг ичига тўлди сукунат.
Ҳасратли тун эса бермайдиган омон:
«Қураш, — дер, — курашин севар муҳаббат!»
Мен кетиб борапман. Ҳар гал тонг оттач,
Учиб кетар «Юлдуз оққуши» секин.
Шу тун элларманми кесиб олишни
Ойнинг ўроғида кўкнинг бир қисмин.

АВГУСТ

Олисларга отлар дупури чўкди,
Дўлана безанди қизил ранг билан.
Терак, майдагадиди, момигин тўкди.
Иккинчи бор ташриф буюрди кўккам.

Висол. Икков жиммиз, гар қалба гулу,
Бармоқ қирсиллатиб, лабингни қисдинг.
Шунча йилдан кейин ушалди орзу,
Фақат шод эмасмиз, юраклар ҳазин.

Кечки қузги баҳор...

Оқ момигин терак тўқмоқда элаб.
Ўртадаги жимлик таранг, мисли тор:
Сал тегсанг, узилиб кетар даранглаб.

Русчадан Миразиз АЪЗАМ
таржималари.

«МОЗИЙДАН САДО»

Журналнинг 2012 йилдаги учинчи сони босмадан чиқди.

Шодмон Воҳидовнинг «Маънавий мерос — тараққиёт манбаи» мақолисида қисқа тарихий вақт ичида Ўзбекистон эришган муваффақиятлар, ўтказилган иш-лохотларни изчил амалга оширишдаги беқиёс таърибга бутун жаҳонда катта қизиқиш уйғотган, илмий тадқиқотларга асос бўлаётгани ҳақида сўз юритилади.

Шарқшунос ва манбашунос олим Шамсиддин Камолдиннинг мақолиси ўтган асрнинг охирида Афғонистоннинг Работакан хамда

Журналларни варақлаш

яқинда Майманадан топилган араб ҳужжатлари ҳақида, Хусен Жўраевнинг «Ёзув — кўнгли ойнаси» мақолиси эса Бухоро, Хоразм, Фарғона, Самарқанд хат-тотли мактаблари, хусниҳат санъатининг асосий услублари ҳусусида маълумот беради.

Журнал, шунингдек, Г.А.Пугаченковнинг кундаликлари босишда давом этиб, олимнинг 1974 йилги афғон қадимшунослик экспедицияси томонидан қадимий Дилбержин хамда Жигатепида ўтказган тадқиқотлари материалларини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилган.

С.Паёзовнинг «Ўзбекистоннинг маданий ҳаёт маркази» мақолиси 1918 йили Ўрта Осиёда очилган илк музей — Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳақида хикоя қилади.

Зафар Ҳакимовнинг кам ўрганилган обида — Хожа Исо масжиди ва унинг жанубида жойлашган макбара ҳақидаги «Хожа Исо масжиди», поштахтимизнинг Қоратощ манзилгоҳида қурилган Ўрда қўргони ҳақида хикоя қилувчи А.Зияевнинг «Тошкент Ўрдаси», Хайрулла Султоновнинг Фарғона водийсидаги қадимги шаҳарлар ҳақида сўз юритувчи «Буюк Ипак йўли тарихидан» сарлавҳали мақолалари ҳам ўз ўқувчиларини топади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан Л.Холназарова, А.Имомова, Г.Маҳмуджонова, С.Содиқова каби муаллифларнинг ранг-баранг мавзудаги мақолалари ҳам жой олган.

Х.АБДУРАҲМОНОВА

Азиз газетхон!

Севимли газетанга —

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га

2013 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна тўғрисидаги матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг алоқа бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетанинг обуна бўлишини мумкин.

Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎЗАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотиниз йил бўйи давом эттаверади.

Нашр кўрсаткичининг — 222.

ХИТОЙ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Қадимий Хитой маданиятининг жозибаси азал-азалдан дунё халқларини ўзига мафтун этиб келган. Замонавий ижро анъаналари билан уйғунлашган хитой куй-қўшиқлари, рақс ва ўйинларини юртимиз санъат ихлосмандлари ҳам севиб томоша қилишад. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу йил икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига йигирма йил тўлмоқда. Ана шу воқеа муносабат билан юртимизда Хитой Халқ Республикасининг маданият кунлари ўтказилаётир.

Ушбу тадбирнинг очилиш маросими «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирокида ўтган тадбирда хитойлик санъаткорлар ўз концерт дастурларини намойиш этишди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Турсунали Қўзиев Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори маданият соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий

асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Хитой халқининг мумтоз наволари жўрлигида ўтган кечада мухлислар ранг-баранг рақслардан баҳраманд бўлишди. Айниқса, Жухай шахридан ташриф буюрган «Хан Шен» ансамбли ижросидаги «Хитой шодлиги», «Баҳор», «Тайсё», «Сичуан» рақслари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, цирк усталарининг чиқишлари, миллий чолғуларда ижро этилган мумтоз наво-

лар ҳам йиғилганлар олқишга сазовор бўлди. Тадбир доирасида

Таъбир

Ўзбекистон маданияти ва санъат кўргазмаси залида ҳамда Тошкент фото уйида Хитой замонавий расмларнинг кўргазмаси иш бошлади. Унда Хитой маданияти, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, ушбу халқнинг турмуш тарзи акс этган суратлар намойиш этилаётир.

Моҳира ОТАБОВА,
талаба

«ЗАМОН ВА
ТАҚДИР»

Ўзбекистон халқ рассоми, Бадий академия академиги Акмал Икромжонов замонавий ўзбек рангасвир санъатининг кўзга қўринган вакиллари билан. Асосан портрет, натюрморт, манзара ҳамда майши жанрларда ижод қилувчи рассом дунё реалистик мактаби анъаналари ва миллийликини

уйғунлаштириб ижод қилади.

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида А.Икромжонов ижодий фаолиятининг сарҳисоби сифатида унинг сара асарларидан тузилган «Замон ва тақдир» номли шахсий кўргазмаси очилди. Тадбир очилишида сўзга чиққан Бадий академия раиси Акмал Нуриддинов,



Кўргазма запаридан

Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, таниқли санъатшунос олим Акбар Ҳакимов мусаввирининг ўзбек тасвирий санъатидаги ўрни ва асарлари ҳақида сўзладилар.

Кўргазмага қўйилган асарларда муаллифнинг ёрқин услуби акс этган. Миллий руҳ ва гўзалликини, умуминсоний қадриятларни муҳассам этган бу асарлар томошабинларга катта эстетик завқ улашмоқда. Чуқур руҳий ҳолатлари ифодаловчи «Гулнора», «Ганс Гальбенига шарафлар», «Мадина» портретлари, рассомнинг ўзига хос ранг танлаш маҳоратини намойиш этувчи «Қумгон ва шам», «Қумуш гулдон» натюрмортлари, замон ва макон ўзгаришлари ҳақида хикоя қилувчи «Адрас», «Ўтган кунлар соялари», «Само суюлсида» каби асарлари шулар жумласидан.

Кўргазма 18 ноябрга қадар давом этади.

Малика НУРИДДИНОВА,
Республика рассомлик
колежи ўқитувчиси

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош
муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нутқида назардан фарсатланмайди.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 4672 Буюртма Г — 1044. Ҳақини — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ

ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН

ISSN 2361-614X

9 772361 614000